Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 16-MAY, PAYSHANBA, 19 (809)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Президенти Россиянинг "ЛУКОЙЛ" компанияси раҳбарини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни "Ўзбекистон нефть ва гази" халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида мамлакатимизда бўлиб турган "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатимиз нефть-газ тармоғида етакчи бўлган ушбу Россия компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда "Лукойл" компанияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга киритган инвестициялар ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошади.

Ўтган йил апрель ойида ишга туширилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси лойиҳада кўзда тутилган қувват билан ишлай бошлади. "Ҳовузак" ва "Шоди" конлари, шунингдек, Жанубий-Ғарбий Ҳисор конлари ўзлаштирилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда "Лукойл" компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Вагит Алекперов Президентимизга самимий қабул ва қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

"Лукойл" компанияси раҳбари Ўзбекистон билан нефть-газ тармоғида узоқ муддатли ва кенг кўламли шерикликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

Шавкат Мирзиёев "Росатом" корпорацияси бош директорини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Россиянинг атом энергияси бўйича "Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражада эришилган келишувларни рўёбга чиқариш доирасида илғор технология ва илм-фан ютуқларини жалб этган ҳолда мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузурида "Ўзатом" агентлиги ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда атом энергетикасини ривожлантириш бўйича ўн йилга мўлжалланган концепция қабул қилинган.

Бўлажак АЭС учун майдон танлаш бўйича муҳандислик тадқиқотларининг биринчи босқичи якунланди. Халқаро талабларга мувофиқ, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири баҳоланмоқда ва техник ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Аҳолини атом энергетикаси ва ядровий технологиялар ривожи тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида "Ўзатом" агентлиги биносида Атом технологиялари ахборот маркази очилди.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан Тошкентда "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети филиали ўз ишини бошлайди.

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган "йўл харитаси" асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

"Росатом" давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида эришилган келишувларни ўз вақтида ва кенг кўламда амалга ошириш борасидаги интилишларнинг қатъий эканини таъкидланди.

ЎзА

Муносабат

Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш — энг долзарб вазифа

Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон мамлакат тараққиётида энг муҳим ўрин тутувчи соҳа учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўташи мумкин.

Ушбу муҳим ҳужжатни қабул қилишни даврнинг ўзи талаб этаётганди. Боиси, аҳолининг каттагина қатламини ташкил қилувчи тадбиркорларни ўйлантираётган, бир сўз билан айтганда, қийнаётган шундай муаммолар ҳам борки, буларга ўз-ўзидан ечим топиш қатор мушкулликларни келтириб чиқараётганди. Энди эса бу каби мураккаб масалалар бевосита ҳукумат миқёсида ва тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ҳал этилиши расман белгилаб қўйилди. Асосийси, ушбу фармоннинг ҳаётбахшлигини исботловчи омил унинг амалий ижросига боғлиқ.

Тадбиркор – мулкдорлар синфининг вакили, иш берувчи ҳисобланади. Биргина ишбилармоннинг саъй-ҳаракати, муваффақияти ўнлаб, юзлаб, минглаб одамларнинг оилавий фаровонлигини белгилаб бериши сир эмас. Баъзан шундай бўладики, арзимас масалани ҳал қилиш учун йўқотилган вақт кейинчалик ойлар давомида асоратини кўрсатади. Шу боис тадбиркорлик соҳасидаги тўсиқ ва муаммоларга ўз вақтида, тезкорлик билан ечим топиш ўта муҳим.

Президентимизнинг шу йил 14 май куни эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини жиззахлик ишбилармонлар ҳам катта кўтаринкилик билан қарши олишди. Айниқса, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Эндиликда ишбилармонларни, шу жумладан, чет эллик сармоядорларни қабул қилиш ҳокимликлар, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари вакиллари иштирокида тасдиқланган жадвал бўйича ҳар куни амалга оширилиши қатъий тартибда белгилаб қўйилиши ҳам хусусий сектор манфаатларига хизмат қилади. Бу эса мурожаатлар билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, тадбиркорларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани қўшайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва моддий фаровонлигини ўстиришга замин яратади.

Холисхон БОБОЕВА,
"Зомин текс экспорт" МЧЖ қошидаги пиллани қайта ишлаш фабрикаси директори

5

УШБУ СОНДА:

Танқид – тараққиёт катализатори

2

Сўровни олмадингизми, жаноб мутасадди?

...электоратнинг ишончини қозониб, кўпчиликнинг овози билан сайланган депутатларнинг қонуний мурожаатларига эътиборсизлик билан ёндошаётган мансабдор шахслар деярли барча вилоятларда ҳамон учраб тургани дилни хира қилади.

3

Пискентда кузатув камералари камми?

4

Авлоний бобо, ойнамиз хиралашдими?

Нега хориждан келган сайёҳлар юртимизнинг энг гўзал шаҳарларини ҳайратланиб томоша қиладилару, бироқ ўз мамлакатларига қайтгач бинолари пештоқига, катта баннерларга "Ўзбекистон", "Тошкент", "Самарқанд", "Алпомиш", "Палов" деган номларни илиб қўйишмайди?

6

Инсон инсонга муҳтож

8

Давра суҳбати

Танқид – тараққиёт катализатори

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати ушбу сиёсий куч ва унинг электорати учун жуда муҳим мавзуга бағишланди. Президентимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Парламент ва маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, шунингдек, бизнес соҳасига қадам қўяётган ёш тадбиркорлар ва тажрибали ишбилармонлар кун тартибидаги масала юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо, Иқтисодиёт ва саноат, Молия вазирликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги мутасаддилари билан очиқ-ошкора мулоқотга киришдилар.

Муҳокамалар аввалида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Бекзод Ортиқов, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Суннатилла Бекенов** давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қарор ҳақида батафсил маълумот берди. Кейинги йилларда жойларда янги корхоналар ва доимий иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича янги тизим яратилгани, инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кўплаб имтиёз ва енгилликлар жорий қилинганини таъкидлашди. Муҳим сифат ўзгариши шундаки, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида ҳудудий лойиҳалар деярли бўлмаган бўлса, эндиликда чет эл сармояларининг ярми минтақалар ҳиссасига тўғри келаётир.

2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жами 3 минг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳаси доирасида қарийб 14 миллиард доллар миқдоридаги капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилган. Шундан 4 миллиард доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир.

Мазкур қарор билан кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун таклифлар ишлаб чиқиш, инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар (“Road Show”) ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Давра суҳбатининг иккинчи қисми расмиятчиликдан холи тарзда кечди. Эътиборли жиҳати, савол-жавоблар чоғида тизимда мавжуд камчилик-нуқсонлар рўй-рост айтилди. Сармоядорларни иккилантирадиган эскича ёндашувлар танқид қилинди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ аниқ таклифлар илгари сурилди.

– Танқид – тараққиёт катализатори, – **деди инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Суннатилла Бекенов** депутатларнинг ягона инвестиция порталидаги ахборотлар етарли эмаслиги, янги вазирлик ва агентликлар ташкил этилганига қарамай, соҳада сезиларли ютуқлар кўзга ташланмаётгани ҳақидаги эътирозларга муносабат билдирар экан. – Дарҳақиқат, ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда сиёсий партиялар вакиллари, парламент аъзоларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Мана, масалан, ушбу давра суҳбатига таклиф олишимиз билан айни йўналишда қилган ишларимиз, улгурмаган вазифаларимизни яна бир бор кўриб чиқдик. Президентимизнинг давлат ташрифлари давомида эришилган келишувлар асосидаги 400 га яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини қайтадан чуқур мониторинг қилдик. Аммо муайян даврда тўпланиб қолган муаммоларни икки-икки ярим йил ичида бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Реал вазиятни борича баҳолаш, камчиликларни яширмасликка ўрганганимизнинг ўзи ҳам ривожланиш белгиси, аслида.

Ўзини **Аброр Йўлчиев деб таништирган тадбиркор йигит пойтахтимизда хостел очиш** билан боғлиқ истиқболли бизнес-режасини тақдим қилди. Ушбу лойиҳанинг молиявий мадади учун Буюк Британиядан инвестор топганини таъкидлади. Лекин унга астойдил қайишадиган, эзгу интилишларини қўллаб-қувватлайдиган мутасадди топилмаганидан тўрт ойдан бери сарсон экан. Муаммонинг ечими – янги бизнес субъекти учун шаҳар ҳудудидан 4-5 сотих ер ажратишда қолган...

Кези келганда, хостел ҳақида мухтасар маълумот: ихчам ётоқхона ёки хонадон (баъзи жойларда капсула) типидаги хизмат кўрсатиш субъектлари тизими чет элларда яхши ривожланган. Улар асосан тунаб қолиш ёхуд маълум муддат дам олиш учун мўлжалланган. Меҳмонхонадан анча арзон. Рўйхатдан ўтиш тартиби максимал даражада соддалаштирилган.

Камина хорижий сафарлар давомида икки марта хостел хизматидан фойдаланган. Айниқса, Пекин шаҳри аэропорти яқинидаги ётоқхоналар кичик бўлса-да, жуда қулайлиги ва аниқ жадвал асосидаги транспорт хизмати билан илиқ таассурот қолдирган. Агар мазкур хостеллар бўлмаганида Сиян-Пекин ва Пекин-Тошкент рейслари оралиғидаги 9 соатлик тунги вақтни аэровокзалда ўтказишга тўғри келарди. Назаримда, Аброр Йўлчиев ана шундай хизмат турини йўлга қўйиш орқали бизнес қилмоқчи.

Суннатилла Бекенов давра суҳбатининг ўзида истиқболли лойиҳани илгари сураётган ташаббускор ёш ишбилармоннинг телефон рақамларини ёзиб олиб, айни йўналишга масъул ходимлар уни ўзи излаб топишига, муаммо ечилишига ваъда берганди. Бироқ орадан уч кун ўтганидан кейин Аброр билан бевосита боғлансак, афсуски, унга ҳеч ким қўнғироқ қилмагани нафақат “инвесторим тайёр” деб турган навқирон авлод вакилини, балки шу воқеага гувоҳ бўлган журналистларни ҳам ажаблантиргани ғалати бўлди.

Тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган **“Ўзимизники” масъулияти чекланган жамияти директори Ботир Зиярходжаев** эса корхонаси дуч келаётган қийинчиликлар баён қилинган ёзма мурожаатни шу ернинг ўзида мутасаддиларга топширди. Ишбилармонни қийнаётган муаммонинг қисқача мазмуни қуйидагича: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг биринчи бандига асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни бекор қилиш белгиланган. Лекин ана шу фармон талабидан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 245-сонли қарорининг тегишли қисми шу пайтгача бекор қилинмагани сабабли тадбиркорлар зарар кўрмоқда. Ҳужжатлардаги бундай номутаносиблик хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга тўсиқ бўлмоқда”.

Ижроия ҳокимияти мутасаддилари давра суҳбати иштирокчиларининг эътиборини тортган ушбу масалани ҳам атрофлича ўрганиш орқали албатта ечим топилишига тадбиркору фракция аъзоларини ишонтирди.

Қизғин мулоқот якунига қадар шунчаки масъулиятсизликка ёки бошқа омилларга бориб тақаладиган яна қатор муаммолар ўртага ташланди. Парламент қуйи палатасидаги **O‘zLiDeP фракцияси раҳбари вазифасини бажарувчи Адҳам Шодмонов** кўтарилган масалаларнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва ўз муддатида ижрога йўналтирилиши депутатларнинг қатъий назоратида бўлишини таъкидлади.

Тадбир давомида куз фаслида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро инвестиция форумида партиядошларимизнинг фаол иштирок этиши, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга оширишга эришиш, уларни тармоқлар ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш, ҳар бири юзасидан мониторинг олиб бориш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири

Шуҳрат РАҲИМОВ олган суратлар

O‘zLiDeP фракциясида

Биринчи чорак сарҳисоби

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси томонидан 2019 – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминлаб борилмоқда.

Ўтган даврда фракция қонун ижодкорлиги жараёнига алоҳида эътибор қаратди. “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3 та қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари фракцияга бириктирилган қўмиталар ҳамда фракция йиғилишларида мунтазам равишда парламент назорати доирасида эшитилди. Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Баҳром Ниёзматов, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Суннатилла Бекенов, молия вазирининг ўринбосари Дилшод Султонов ҳамда халқ таълими вазирининг ўринбосари Атабек Назиров, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улуғбек Муҳаммадиев ва бошқаларнинг тегишли масалалар бўйича ахборотлари шулар жумласидандир.

Ҳар ойда ўтказилиб борилаётган **“Ҳукумат соат”**ларига O‘zLiDeP фракцияси ташаббуси билан эшитув мавзулари киритилиб, Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат идоралари раҳбарлари ва вазирларнинг ахборотларини эшитиб бориш амалиёти кенг қўлланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, депутатларимиз ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш амалиётидан самарали фойдаланмоқдалар. Аҳоли билан ўтказилаётган тизимли мулоқотлар натижасида ҳудудларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолатини чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Фракция аъзолари томонидан бу даврда аҳоли билан 850 дан зиёд учрашув ўтказилиб, уларда 40 мингга яқин сайловчи қамраб олинди. Учрашувлар жараёнида, аҳолининг қарийб 5 минг нафарини тадбиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этганлигини алоҳида айтиб ўтишимиз керак.

Аҳоли томонидан келиб тушган жами 2848 та мурожаатнинг 1194 таси жойида ҳал этилган бўлса, 1350 та мурожаат депутатлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, 304 таси бўйича республиканинг тегишли идораларига ёзма равишда тақдим этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида фракция аъзолари томонидан турли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига жами 93 та депутат сўрови юборилди. Бу 2017 йилга нисбатан салкам 2 ва ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Сўровларнинг 78 тасига тегишли тартибда жавоблар олинди.

Ҳисобот даврида O‘zLiDeP фракцияси қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган жами 64 та мурожаатнинг асосий қисми Қонунчилик палатасининг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўлганлиги сабабли тааллуқлилиги бўйича тегишли давлат органларига юборилди ва ижроси назоратга олинди.

Фуқароларни қабул қилиш жараёнида улар томонидан суд қарорлари ва суд ҳукмидан норозилик, тадбиркорлик ва фермер хўжалиги фаолиятини олиб боришда юзага келган муаммолар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан кўплаб мурожаатлар муаллифларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тоир САЛИМОВ,
фракция ижрочи котиби

Эҳтиром

Оталар дуоси ижобат бўлади

Ҳар йилги одатим шундай: 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида ҳам, ҳайит байрамларида ҳам ўзим таваллуд топган, таълим-тарбия олган водийга, қадрдонларим, жигаргўшаларим ҳузурига ошиқаман. Айниқса, мени парламент депутати деган юксак мақомга лойиқ кўриб овоз берган 90- Бешариқ сайлов округимдаги кекса отахон ва мунис онахонлар билан дийдорлашиб, дардлашсам, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Тасаввур қиляпсизми, ўтган йили Бешариқда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 12 нафар эди. Ҳар бирлари билан юзма-юз кўришгандим. Бу йил эса... уларнинг олти нафаригина ҳаёт, сал кам бир асрни қоралаб қолишди. Байрам баҳонасида туманимиздаги Янги қишлоқда умргузаронлик қилаётган 95 ёшли Дадажон ота Раббиев хонадонида бўлдим. “Қизим, бу дунёда тинчликдан азиз ва қадрли бойлик йўқ эканлигини бизлардан сўранг, халқимиз омон бўлсин. Президентимиз бизларни 9 май арафасида етти ярим миллион сўм мукофот билан сийлади. Айтинг, қайси бир замонда уруш кўрган инсонларга бундай меҳр-мурувват кўрсатилган? Дуо қилаяпмиз, илоҳи, Ватанимизда ҳамиша тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлсин!”

Бундай самимий тилак ва дуолар ҳар қандай кишини руҳлантиради.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Танлов

“Зулфия – бону – чевар”

хусусий корхонаси раҳбари “Ишбилармон аёл” шаҳар босқичи ғолиби

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, бизнесини йўлга қўйиши учун шароитлар яратиш мақсадида партиянинг “Аёллар қаноти” томонидан ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл – 2019” кўрик-танловининг Бекобод шаҳар босқичи якунланди.

Унда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент вилояти адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши ходимлари, партия фаоллари, тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизлар иштирок этди.

– Бундай тадбирлар нафақат хотин-қизларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, балки уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, тадбиркорликка оид билимини бойитишга хизмат қилади, – деди O‘zLiDeP Бекобод шаҳар “Аёллар қаноти” раҳбари Л. Норматова. – Танловда қатнашчиларнинг етакчилик қобилияти, партия фаолиятидаги иштироки, либерал ғояларни қай даражада эгаллагани, лойиҳаларининг истиқболига кўра баҳоланди.

Иштирокчиларнинг тадбиркорликка оид тақдимотлари ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотлари намойиш этилди. Юқоридаги жиҳатларни намоён этгани учун “Зулфия – бону – чевар” хусусий корхонаси раҳбари Ўғилой Мирзамуротова ғолиб деб топилди.

Танлов ниҳоясида ғолибларга партиянинг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Аҳрор ТЎЙЧИЕВ,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Депутат ва жамият

Сўровни олмадингизми, жаноб мутасадди?

ёхуд депутатга беписандлик – халққа беписандлик тарзида баҳоланиши шартлиги хусусида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда депутатлар фаолиятини ҳақли равишда танқид қилган эди. Бу эътирозлар ҳозирги кунда ҳам халқ ноиблари учун огоҳлиқ қўнғироғи янглиғ янграб турибди.

Модомики, барча ислоҳотларнинг асосий ташаббускори бўлиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини самарали таъминлаш масалалари O'zLiDeP депутатлари фаолиятида бош мезонга айланган, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш, халқнинг дарду ташвишларига ижобий ечим топиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сезиларли равишда кучайтиргани бугун яққол кўзга ташланмоқда.

Фикримиз исботи тариқасида айрим рақамларни келтириш жоиз: халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан 2019 йилнинг январь-март ойлари давомида сайловчилар мурожаатлари, қонунлар, давлат дастурлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан мансабдор шахсларга 3 466 та депутатлик сўрови юборилди. Жойларда 527 нафар мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган мажбуриятлар бўйича ҳисоботлари эшитилди. Натижада сайловчилар манфаатларига хизмат қиладиган, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 270 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар йиғилишлари, 208 та масала эса бевосита сессиялар кун тартибида атрофлича муҳокама қилинди.

Лекин электоратнинг ишончини қозониб, кўпчиликнинг овози билан сайланган депутатларнинг қонуний мурожаатларига эътиборсизлик билан ёндошаётган мансабдор шахслар деярли барча вилоятларда ҳамон учраб тургани дилни хира қилади. Бундай ҳолат билан боғлиқ мисоллар етарлича топилади.

Жорий йил биринчи чорагида маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан юборилган **3 466 та сўровнинг 123 тасига ўз вақтида жавоб берилмаган, 85 та депутатлик сўрови эса шунчаки жавобсиз қолдирилган.** Жумладан, 28-Сомонбозор сайлов округидан халқ депутатлари **Бектемир туман Кенгаши депутати Г. Тўхтасинова**нинг Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат инспекциясининг Бектемир туман филиали раҳбари И. Саидрасуловга, **халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши депутати С. Шаҳаров**нинг туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хизмат ва ободонлаштириш ишлари бўйича ўринбосари Ф. Амировга, **халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашига 4-Тинчлик сайлов округидан сайланган депутат А. Акбаров**нинг Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А. Исраиловга, **халқ депутатлари Избоскан туман Кенгашига 18-Мангуберди сайлов округидан сайланган депутат Д. Қодиров**нинг Избоскан туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Ж. Валиев ва бошқа мансабдор шахсларга юборилган депутатлик сўровларига беписандлик билан муносабатда бўлинган.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, депутатга беписандлик – халққа беписандлик тарзида баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахснинг қонун олдида жавоб бериш баробарида халқ номидан қилинган мурожаатларни кўриб чиқмаган ёки унга жавоб бермагани, кўриш муддатини бузгани учун халқ олдида жавоб ҳам бериши лозим.

Луқма ўрнида яна бир мулоҳаза: йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳар қандай ҳайдовчи шу заҳотиёқ жаримага тортилади. Бу ҳол қайта такрорланса, тўлов миқдори оширилади ва катта маблағ ўз вақтида қоидабузардан ундириб олинади. **Лекин бутун бошли қонунлар талабларини бажармаётган мутасаддиларга деярли чора кўрилмайди.** Чунки бу борада ЙПХ ходимлари сингари мунтазам ҳаракатдаги кузатувчилар, аниқ-тиниқ ишлайдиган механизм яратилмаган.

Вакиллик органларига навбатдаги сайловларга қадам қўйиш арафасида соҳа экспертлари ана шу масала устида ҳам бош қотириб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, назаримизда.

Юсуфжон ЮСУПОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими етакчи консультанти

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови

Ошкоралик, шаффофлик руҳида ўтди

Энг аввало, шуни таъкидлаш лозим, бу галги сайловлар янги тахрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ташкил этилди.

Хўш, жорий сайлов аввалгилардан қай жиҳати билан фарқ қилмоқда?

Қонунга кўра, эндиликда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки алоҳида тузилган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси шуғулланяпти. Унинг таркибига парламент қуйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа идоралар вакиллари киритилган.

Олдин маҳалла раиси фуқаролар йиғини томонидан эмас, балки фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан сайланиб, кўпчилик номидан атиги 50-80 нафар вакил овоз берарди, холос. Эндиликда сайловларда бевосита фуқароларнинг ўзлари кўпроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакиллигининг минимал нормаси белгиланди. Яъни, вакиллар ҳар бир ҳудуд аҳолисининг сонидан келиб чиқиб шакллантирилди.

Бунда вакилларнинг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этади. Дейлик, маҳаллада яшовчи ўртача 3 минг нафар сайловчи номидан 360 нафар вакил қатнашиши таъминланади.

– Аввалги тартибга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари бир вақтда сайланарди, – дейди **Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, O'zLiDeP Бектемир туман Кенгаши раиси Фурқат Қаландаров.** – Бу эса сайловни ўтказишда баъзи қийинчиликларни юзага келтирарди. Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги қонунга биринчи фуқаролар йиғини раиси сайловини, кейинги бир ой ичида маслаҳатчиларни сайлаш ҳамда комиссияларни шакллантириш нормаси киритилгани айни муддао бўлди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови пойтахтимизнинг Бектемир туманида юксак савияда ташкил этилди. Сайлов жараёнлари байрамона кўриниш олди. Бунда туман маданият бўлими ходимларининг мусиқали чиқишлари, санъат мактаби ўқувчиларининг ажойиб рақслари сайловчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Сайловга тайёргарлик кўриш даврида маҳаллаларда яшовчи аҳоли, хусусан, кўпни кўрган нуронийларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда оқсоқолликка 45 киши номзод сифатида кўрсатилди. Шулардан 26 нафари бундай сайловларда олдин ҳам иштирок этган.

Кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар томонидан кўчаларда, кўп қаватли уйларда олиб борилган тушунтириш ишлари ва тарғибот тадбирлари давомида жами сайловчилар орасидан 3 170 нафар вакил сайлаб олинди. 12 та маҳаллада ўтказилган сайловларда уларнинг 76 фоизи, яъни 2 429 нафари фаол иштирок этди.

Бугунги кунгача тумандаги "Роҳат", "Миришкор", "Бинокор", "Зилола", "Мажнунтол" сингари маҳаллаларнинг барчасида фидойи ва масъулиятли, дунёқараши кенг ва жонкуяр кишилар раисликка сайлаб бўлинди. Муҳим ижтимоий-сиёсий жараён қонунбузилишларсиз, ошкора ва шаффоф уюштирилганидан, овоз бериш олдингилардан фарқли равишда яширин тарзда амалга оширилганидан бектемирликлар мамнун. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ишчи гуруҳларининг фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани, сайловлар ўтадиган бинолар ўз вақтида тайёрланиб, кераклн жиҳозлар билан таъминлангани, сайлов билан боғлиқ маълумотлар ўз вақтида аҳолига етказиб турилгани ушбу муваффақиятнинг бош омили бўлди. Бу борада аввалги сайловларда йўл қўйилган камчилик-нуқсонларни мониторинг қилиш ва уларни такрорламаслик чораларини кўрилгани диққатга сазовордир.

Солижон ЗОИРОВ,
"XXI asr" мухбири

Ҳуқуқ ва ҳимоя

Тадбиркор судда ютқазмади, аксинча...

Солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб, туппа тузук, қонун доирасида тадбиркорлигингни қилиб юрсангу ҳе йўқ, бе йўқ, емаган сомса учун пул тўлашни талаб қилишса алам қиларкан. Сомсаям гапми, нақ туядек молиявий жаримани гарданингга илиб қўйишса додингни кимга айтасан? Жаримаям кам эмас. Нақ отнинг калласидек келади – боши миллиардлардан бошланадики, давомини эшитмаёқ терга ботасан. Бундай тўлов манаман деган ишбилармонниям бели синдирвориши ҳеч гапмас. Яхшиси, тафсилотга ўта қолайлик.

"Uchtepa metal" масъулияти чекланган жамияти ана шундай ноҳақликка дуч келди.

Гап шундаки, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан "Uchtepa metal"нинг молиявий хўжалик фаолияти текширилади. Текшириш якуни бўйича 2018 йил 9 октябрда расмийлаштирилган далолатномада жамиятда 4 миллиард 489 миллион 92 минг 800 *(!)* сўмлик камомад мавжудлиги, бундан ташқари жамият умумий қиймати 4 миллиард 808 миллион 965 беш минг сўмлик товар моддий бойликларини нақд пулга сотиб, маҳсулот реализациясидан тушган пул маблағларини банк муассасига топширмасдан яширгани қайд қилинади. Сўнг ушбу бошқарма қуйидагича қарор қабул қилади: *"Солиқ кодексининг 114-моддаси талабларига кўра "Uchtepa metal" масъулияти чекланган жамияти аниқланган камомад ва яширилган тушумнинг 20 фоизи, яъни 1 миллиард 859 миллион 611 минг 560 сўм миқдорида жарима тўлаши лозим".*

"Uchtepa metal" МЧЖ эса жарима суммасига эътироз билдиради ва уни ихтиёрий равишда тўламайди. Шунга кўра, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси судга ариза билан мурожаат қилиб, жамиятга юқоридаги молиявий жарима қўллашни сўради.

Айтиш жоизки, Иқтисодий процессуал кодексининг 221-моддасида суд ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган ёки бўлмаганини ва унинг содир этилгани фактини, ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлаши лозимлиги белгиланган.

Иш материаллари кўриб чиқилиши жараёнида эса "Uchtepa metal" камомадга йўл қўйгани ва тушум яширилгани ҳолатлари ўз тасдиғини топмади!

Аксинча, жавобгар жамият умумий қиймати 4 миллиард 808 миллион 965 минг сўм бўлган маҳсулотларни пул кўчириш йўли билан сотиб, ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлагани, ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг жавобгар жамият мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича қабул қилинган ҳукми билан ҳам исботлангани суд томонидан эътиборга олинди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг аризасида келтирилган ҳолатлар мақбул далиллар асосида исботлаб берилмагани, солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 114-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этмагани инобатга олинди. Якинда 16 апрел куни суд ишда тўпланган далиллар йиғиндиси асосида солиқ бошқармасининг ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келди.

Гувоҳи бўлганингиздек, адолат қарор топди. Сир эмас, юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя этилмоқда. Ортиқча текширувлар, сансолорликларга чек қўйиш мақсадида амалий чоралар кўриляпти. Аммо баъзан юқоридаги каби баҳсли вазиятлар учраб тургани ҳам ҳақиқат. Бу каби ҳолатлар тадбиркорнинг ҳам, керак бўлса бу борада эндигина иш бошлайман деб турганларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилади, холос.

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси.
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

Ташаббус

"Бўстон" бўстонга айланяпти!

Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Ана шу ташаббусларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган ишлар Бўка туманида жадаллик билан давом эттириляпти.

5 та ташаббус бўйича 5 та вазирлик ҳамкорлигида ишлар тизимли равишда ташкил этиляпти. Мисол учун, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари ташкил этиш билан шуғулланса, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги зиммасига аҳолининг кенг қатламини спорт билан шуғулланишга, спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш каби вазифалар юкланган.

Ҳозирда "Бўстон", "Янгиқўрғон", "Чавлисой" ҳамда "Катта Равот" маҳаллаларида ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин тусга кирган. Юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлардан

одамлар мамнун. Янги-янги бинолар қад ростлаяпти, эскилари капитал таъмирланаяпти.

Туманнинг 3-секторига қарашли "Катта Равот" маҳалла фуқаролар йиғинида 490 та хонадон мавжуд бўлиб, 2 460 нафар фуқаро истиқомат қиляпти.

– Маҳалламизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти, –дейди мазкур МФЙ раиси Эркин Исматов. – Марказий кўчамиздаги маданият саройи таъмирдан чиқариляпти. Унинг рўпарасида кичик ўйингоҳ, кутубхона, компьютердан фойдаланиш учун махсус жой, маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг қурилиши давом этмоқда. Кун сайин маҳалламиз кўркига кўрк қўшиляпти.

– Президентимизнинг "5 та ташаббус" лойиҳаси доирасида Бўстон маҳалласида хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 150 иш ўрнига мўлжалланган тикув цехи қурилиши якунланяпти, – дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Марҳабо Абдулазизова. – Иш икки сменада ташкил этилади. Демак, шу маҳалладаги 300 хотин-қиз иш билан таъминланади. Чавлисой маҳалласида ҳам 150 ўринга мўлжалланган енгил конструкцияли тикув ва текстиль цехи қурилиши бошланди. Ҳозир ишлаш истагида бўлган 512 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди. Улар 20 кун мобайнида Бўка қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида тикувчилик йўналиши бўйича 4 гуруҳда ўқитилади. Хотин-қизларимиз орасида тажрибали тикувчилар ҳам бор, улар устозлик қилишади.

Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган "Бўстон" маданият уйи биноси, 160 ўринли томоша зали таъмирланиши ниҳоясига етмоқда. Маҳалланинг истироҳат боғига янги аттракционлар ўрнатилиб, ҳудуддаги фаолиятини 2000 йилда тўхтатган кутубхона таъмирланмоқда. Шунингдек, 150 ўринга мўлжалланган "Бўстон" маданият марказида ўриндиқлар ўрнатилди. Қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилиб, симёғочлар янгиланди. Кутубхона ёнидаги 130 ўринли болалар боғчасини капитал таъмирлаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари бажариляпти.

Бўка шаҳридаги адирлик устида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бўка тумани кенгаши, "Ёшлар келажагимиз" жамғармаси туман филиали биноси, Ёшлар коворкинг марказини қуриш ишлари давом этмоқда. Ҳудуд ободонлаштирилиб, турли манзарали дарахтлар экилмоқда. Бўкалик ёшлар учун истироҳат маскани ҳам ташкил этилади.

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, туманда 67 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли бор. Шулардан деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Уларни иш ўринлари билан таъминлаш лозим. Тумандаги 40 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли, айниқса, 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг оилавий шарт-шароитларини ўрганиб, таклиф ва тавсиялар бериш мақсадида 20 та ишчи гуруҳ фаолият олиб боряпти.

Даврон ТЕМИРОВ,
O'zLiDeP Бўка туман Кенгаши ижрочи котиби

Хотира абадий, қадр муқаддас

"Ойбек" МФЙ Ичкиқўрғон кўчасида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тўхта ота Ҳожиев хонадонида

Тинчликнинг қадрига етинг!

Ушбу даъват Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида ўтказилган оммавий байрам тадбирларида, салкам бир асрни яшаб қўйган отахон ва онахонларнинг маҳзун ҳикояларида қайта-қайта янгради.

Даҳшатли уруш кечган ҳудудларда жон олиб, жон берган боболаримиз жасорати ҳеч қачон унутилмаслиги ҳақиқат. У кунлар ҳақидаги ўлмас хотираларни эшитган бугунги авлод тасаввурида ўша даврнинг ҳақиқий қаҳрамонлари гавдаланиши табиий. Ва ана шундагина дориломон кунлар, ёруғ ва саодатли тинчлик даврининг қадр-қимматини англаш қийин кечмайди. Шу маънода ўтган ҳафтанинг шукуҳи яна кўнгилларга ўзгача кайфият бағишлайди.

O'zLiDeP Тошкент вилояти ва Паркент тумани кенгашлари фаоллари ҳам Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларга эсдалик совғалари топшириш ва дилдан суҳбатлашиш ниятида тумандаги Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Низомий кўчасида умргузаронлик қилаётган Мирсултон ота Муртазоев, "Ойбек" МФЙ Ичкиқўрғон кўчасида яшовчи Тўхта ота Ҳожиев, "Мозорҳасан" МФЙ Маъмур кўчасида умргузаронлик қилаётган Тиллахўжа ота Алихўжаев ва бошқа дуогўй инсонлар яшаётган хонадонларга боришди.

Юзма-юз суҳбатлар чоғида фахрийлар дунё халқлари бошига мусибат солган машъум уруш, ўша оғир кунларни матонат билан енгиб ўтган ота-боболаримизнинг енгилмас иродаси, чексиз матонати ҳақида сўзлаб беришди. Бугунги тинч-осойишта кунларга осонликча эришилмаганини алоҳида таъкидлашлари ҳам биз учун ўзига хос сабоқдир.

Исмоил РАЖАМАТОВ,
O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши бўлими мудири

Меҳнат ярмаркаси

Бир кунда чекка овулдаги 17 кишининг бандлиги таъминланди

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Ижтимоий ривожланиш – асосий мақсадимиз" шиори остида ўзини-ўзи бошқариш органларида, биринчи навбатда, чекка овул фуқаролар йиғинларида меҳнат ярмаркалари, маҳалла кутубхонаси акцияси ўтказилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар уйи атрофи ободонлаштирилиб, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётир.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Тахтакўпир туманидаги "Қара ой" овулида ташкил қилинди. Унда партия фаоллари, туман бандликка кўмаклашиш маркази, хотин-қизлар қўмитаси, тегишли ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок бевосита этди. Ярмаркада 21 та корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари 35 та бўш иш ўрнини тақдим қилишди.

– Асосий мақсадимиз энг чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолини ишли қилиш, айниқса, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича зарур маслаҳат ва тавсиялар беришдир, – дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарат раҳбари Шарап Утемисов. – Ўтказилган ярмаркада 17 нафар фуқарони ишга қабул қилиш бўйича йўлланмалар, 20 нафарига жамоатчилик асосида ишга жойлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

– Таклиф қилинган бўш иш ўринлари билан танишдим, – дейди "Қара ой" овулида яшовчи Г. Абдижамилова. – Уйда фарзанд тарбияси билан бўлиб ишсиз қолиб кетгандим. Ярмарка туфайли мутахассислигим бўйича Тахтакўпир туман давлат санитария-эпидемиология назорати бўлимига лаборант сифатида ишга қабул қилиндим.

Партия фаоллари ҳамкор ташкилот вакиллари билан биргаликда ёлғиз ва кам таъминланган оилалардан Х. Оспанова ва Д. Ниязимбетоваларнинг хонадонларида бўлишди. Уй бекалари билан томорқа ерларидан унумли фойдаланиш бўйича мулоқот асосида уларга помидор ва бодринг кўчатлари берилиб, экишга кўмаклашилди.

– Маҳалламизда 4 376 киши тинч-тотув турмуш кечириб келмоқда, – дейди "Қара ой" ОФЙ раиси Д. Сайтова. – Шунинг икки мингдан зиёдини хотин-қизлар ва бир ярим минг нафарини ёшлар ташкил этади. – Туманимизда тўқимачилик фабрикаси ишга туширилиш арафасида. Ишсиз аёлларнинг 160 нафари шу ерга ишга киришни сўраб мурожаат қилган.

Акция доирасида овулда бошқа хонадонлар эгалари билан ҳам мулоқотлар қилинди. Бундай тадбирларни барча қишлоқларда ўтказишга келишиб олишди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

Пискентда кузатув камералари камми?

Халқ депутатлари Пискент туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида 2019 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи Э.Эламоновнинг ҳисоботи эшитилди

Тадбир аввалида депутатлик гуруҳи раҳбари Ш. Ражабова нима учун партия фаоллари айни йўналишга жиддий эътибор қаратаётгани хусусида сўз юритар экан, O'zLiDePнинг ижтимоий, гуманитар, маънавий соҳаларни ривожлантириш борасидаги вазифалари ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳисобдорнинг ахборот беришича, Пискент тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасида 20 нафардан зиёд инспектор хизмат олиб боради. Улар томонидан жорий йилнинг дастлабки 3 ойи давомида 21 344 та хонадон ўрганилиб, туманда мавжуд 43 таълим муассасасида (38 та умумтаълим мактаби ва 5 та касб-ҳунар коллежи) ҳар пайшанба куни профилактика тадбирлари мунтазам ўтказиб келинаётир. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг бош омили бекорчилик эканлигидан келиб чиқиб, ота-оналар ва маҳаллалар раислари билан биргаликда "Давомат" тадбирини сифатли ва таъсирчан ташкил этиш, ёшларнинг ўқишга келиш ва уйига қайтишида хавфсизлигини таъминлаш асосий мезонлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу жараёнда 15 нафар дайдиликда гумонланган шахслар аниқланиб, Тошкент вилояти ИИБга қарашли аниқ турар жойи ва машғулот турига эга бўлмаганларни реабилитация қилиш марказига жойлаштирилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида рўйхатда турган гиёҳванд, спиртли ичимликка ружу қўйган, ижтимоий хавфли руҳий касаллар (жами 90 нафар) билан туман ИИБ инспекторлари доимий равишда профилактик суҳбатлар уюштиришди. Тумандаги Бекобод, Мўминобод, Мингтепа, Файзобод, Тараққиёт, Холиқберди, Оқтом, Саидобод, Чимқўрғон, Бирлик, Янгиобод, Ғайрат, Дўстлик, Новкент, Зоминовул сингари маҳаллалар ҳудудларида умуман жиноят содир этилмаганини ҳам ижобий ишлар самараси сифатида баҳолаш жоиз.

Депутатлар Э. Эламоновга турли саволлар берар эканлар, энг аввало, 2019 йилнинг уч ойи давомида ИИБ ва таянч пунктларига гумондор сифатида олиб келинган шахслардан неча фоизи асосли равишда олиб келингани билан қизиқишди ва берилган жавобга эътироз билдиришди. Гуруҳ аъзоларининг фикрича, гумондор фуқароларнинг учдан бир қисми асосли, қолгани эса асоссиз равишда олиб келингани маҳаллий аҳолининг тизимга бўлган ишончини сўндириши мумкин.

Жиноятни жиловлашда кузатув камераларининг ўрни жуда муҳим. Аммо Пискентда бугунги кунда кузатув камералари камлиги, уларни кўпайтириш, айниқса, маҳаллалар ичкарисидаги кўчаларга ўрнатиш кераклиги айтиб ўтилди. Депутат А. Умаров ўз сайлов округидаги кўчалардан бирига иккита кузатув камераси қўйдириб бериш таклифи билан чиқди. Гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам бундай ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Бундан ташқари, профилактика инспекторлари таянч пунктлари ёки ИИБдан кўра кўпроқ ўзига бириктирилган ҳудудда юриши, жамоат жойида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилган фуқароларга баённома тузишдан аввал чекиш учун махсус бурчаклар ташкил этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Ана шундагина тенглик бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши таъкидланди.

Мактаб ўқувчилари орасида баъзан ҳуқуқбузарликларнинг учраб туриши билан боғлиқ ҳолатларга тўлиқ барҳам бериш бўйича ҳам бир қатор таклифлар илгари сурилди. Бўлинманинг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти қониқарли, деб топилиши баробарида юқорида кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни қисқа муддатда тугатиш вазифаси қўйилди.

Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири

Ҳисобот нега қониқарсиз деб топилди?

Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган бандлик дастурининг бажарилиши бўйича туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Ғайрат Ҳайдаровнинг ҳисоботи эшитилди.

Мутасадди ўз ҳисоботида туман бандликка кўмаклашиш марказига жорий йилнинг 1-чораги давомида фуқаролар томонидан жами 1 002 та мурожаат келиб тушгани ва улардан 322 таси ижобий ҳал этилгани, иш билан таъминланганларнинг 93 нафари хотин-қизлар эканини қайд этди. Шунингдек, жамоат ишларига жами 640 нафар фуқаро жалб қилингани, 40 нафар киши касбга ўқитиш марказларига юборилгани, 56 нафар фуқарога эса ишсизлик нафақаси тайинланган, туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар томонидан жорий йилда жами 422 та квота иш ўринлари яратилиши ҳисобига йилнинг биринчи чораги давомида 64 нафар фуқаро ишга жойлаштирилганини маълум қилди.

Ҳисоботда маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларида Бандликка кўмаклашиш марказининг ишга жойлаштириш инспекторлари бурчаклари ташкил этилиб, ҳудудларда шакллантирилган рўйхат асосида муҳтож оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мавжуд имкониятлардан, жумладан, томорқа ер майдонларидан унумли фойдаланиш борасида олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот тадбирлари ва амалга оширилаётган бошқа шу каби ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Ҳудудларда бу борада олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиб чиққан депутатлар мутасадди шахсга соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб ўтишди ва унинг ҳисоботи қониқарсиз деб топилди.

Гап шундаки, депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганиш натижасида жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга иш ҳақи бериш учун табель тасдиқланишида муаммолар юзага келаётганлиги, натижада жамоат ишларида ишлаган фуқароларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётгани, бу фуқаролар ўртасида ҳақли эътироз ҳамда норозиликларни келтириб чиқараётгани аниқланган.

Амалдаги тартибга кўра, жамоат ишларига жалб қилинган фуқарога иш ҳақи бериш учун фуқаро ишлаган ҳудуд маҳалла раиси ишчиларнинг ҳақиқатда ишлаганлигини тасдиқлаши керак ва маълумот тақдим этиши лозим. Жамоат ишига жалб қилинган фуқаролар сонининг кўплиги сабабли маҳалла раиси уларнинг барчасини ўз кўзи билан кўриб ишлаганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилолмаётганлиги оқибатида жамоат ишларида ишлаган фуқароларга иш ҳақи тўланишида сансолорликлар юзага келмоқда.

Йиғилиш давомида ушбу муаммолар атрофлича муҳокама қилинди, барча танқидий фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилди. Ечим топиш учун ушбу масала қатъий депутатлик назоратига олинадиган ва туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритиладиган бўлди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Хайрия

Яхшиликнинг баҳоси йўқ

O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши ходимлари уйма уй юриб, аҳолининг ҳолидан хабар олмоқда, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганмоқда. Самарқанд шаҳридаги хонадонлардан биридаги мулоқот чоғида Беруний кўчаси 52-уйда яшовчи биринчи гуруҳ ногирони 74 ёшли Дилбар Нурмаматова қуйидаги мазмунда кўмак сўраган эди: *"18 ёшимда тутдан йиқилиб, икки оёғим шол бўлиб қолган. Шундан умрбод ногиронлик нафақасига чиқсам-да, уйда ўтирмаганман. Иккита қўлтиқтаёқ билан ўқидим. Кўп йиллар ҳисобчи бўлиб халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилдим. 45 йиллик меҳнат стажига эгаман. Сўнгги пайтларда қайта-қайта касал бўляпман. Мадорсизман. Яқинда шифохонада даволаниб чиқсам-да, яна саломатлигим ёмонлашди. 800 минг сўмдан кўпроқ нафақа оламан. Фарзандларим йўқ. Менга имтиёзли даволанишда ёрдам берсангиз".*

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Толиббой Эшмонов беморнинг даволаниб, шифо топишида ёрдам беришни сўраб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови йўллаганди. Дилбар Нурмаматова дарҳол тиббий кўрикдан ўтказилиб, шаҳар тиббиёт бирлашмасига ётқизилди.

Жонкуяр, халқпарвар депутат муборак Рамазон ойи арафасида бемор ҳолидан хабар олгани шифохонага борганида эса опанинг дарди бир пасда ариди, гўё.

– O'zLiDePга, хусусан, депутат Толиббой Эшмоновга миннатдорчилик билдираман. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли энди анча тетикман, барча муолажалар бепул амалга оширилмоқда. Шифокорларга ҳам катта раҳмат! – дейди Дилбар опа қувониб.

Депутат шифокорлар билан ҳам суҳбатлашди.

– Дилбар Нурмаматова касалхонамизга ётқизилганида оғир аҳволда эди. Қондаги гемоглобин миқдори паст, бош айланиши, мадорсизликдан шикоят қиларди. Унга ички қон кетиш ташхиси қўйилди. Тиббиёт бирлашмамиз томонидан барча чоралар кўрилиб, икки маротаба қон ва плазма қуйилди. Ҳозирда аҳволи анча яхши. Беморнинг касали сабабини аниқлаш борасида дастлабки текширувлар ўтказилди. Гастроскопия текширувларида қизилўнгач, ошқозон соҳалари соғломлиги маълум бўлди. Энди беморни колоноскопия текширувидан ўтказишимиз керак. Ушбу муолажани ўтказиш ускунаси бизда йўқлиги боис хусусий клиника билан келишдик. Кардиолог рухсатини олиб, беморнинг йўғон ичаги текширилгач, тўлиқ ташхис қўйилиб, даволаш муолажалари давом эттирилади, – деди бош шифокор ўринбосари Дилафрўз Маҳмудова.

Кенгашнинг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири Нодир Тўраевнинг айтишича, "Хонадонма хонадон" лойиҳаси доирасида 11 мингдан ортиқ оилага кирилиб, аҳоли муаммолари ўрганилди. Тушган мурожаатлар юзасидан 200 га яқин депутатлик сўрови чиқарилди. 2019 йилнинг 4 ойи мобайнида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига 30 га яқин сўров чиқарилган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

Ҳар қандай ислоҳот ижро интизоми билан баҳоланади

Давлатимиз раҳбари халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, одамларнинг дардини тинглаш орқали аҳолига ёрдам бериб, фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш кераклигини қайта-қайта таъкидлаётгани бежиз эмас.

Партия ташкилотларига келиб тушаётган мурожаатлардан ташқари, шу йил январь-март ойлари давомида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида тузилган ишчи гуруҳлар, партиянинг қуйи тузилмалари, маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан ҳудудларда аҳоли, айниқса, партия электорати вакилларини қийнаб келаётган масалалар ўрганиб чиқилди. Ушбу масалаларнинг аксарият қисмига ҳудуднинг ўзида ечим топишга ҳаракат қилинмоқда. 2019 йил май ҳолатига кўра, кириб-чиқилган 24 934 хонадонда ҳудудий кенгашлар томонидан 20 149 муаммо ҳал этилган, 4 299 таси эса ечими мураккаб бўлгани сабабли ўрганишда. Бундай муаммоларни ҳал этишга партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам кенг жалб этилди.

Агар ечимини кутаётган ушбу масалалар орасидан тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар, мурожаатларни ажратиб олиб таҳлил этсак, қуйидаги ишларни изчил давом эттириш тақозо этилмоқда. Масалан, бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан молиялаштирилишини кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга эҳтиёж сезилади. Шунингдек, гаров айланмасига кўчар мулкни жалб этиш ҳисобидан молиялаштириш имкониятлари такомиллаштирилиб, хомашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратилса, айни муддао бўларди.

Тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсат олиш муддатлари ва нархини янада қисқартириш, замонавий транспорт-коммуникация ва логистика тармоқларини кенгайтириш, ташқи савдо юкларини ташишни оптималлаштириш, экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари бўйича давлат харидларини кенгайтириш, хизматлар экспортини рағбатлантириш ҳам шулар сирасига киради.

Ҳар қандай ислоҳот ижро механизмининг тизимли таъминлангани, натижадорлиги билан ҳақиқий ислоҳотга айланади. Пировардида кўзланган мақсадга эришилади. Бунинг учун эса, энг аввало, шу ислоҳотнинг асоси бўлган ҳуқуқий ҳужжат мукаммал, халқаро тажриба талабларидаги норма ижодкорлиги ҳамда ижро механизмини ўзида мужассам этиши даркор.

Мамлакатда олиб борилаётган тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотлар самараси аҳоли умумий сонида тадбиркорлар ўрни, улуши ўртача йигирма-ўттиз фоиздан иборат бўлиши билан мезонланади. АҚШ, Япония каби аксарият ривожланган давлатларда тадбиркорлар умумий аҳоли сонига нисбатан олганда 25-30 фоизни ташкил этади. Албатта, бу кўрсаткичга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун жуда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, ижросини қатъий таъминлаш лозим. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури юртимизни бу борада илғор давлатлар қаторига олиб чиқишни мақсад қилганлиги билан улкан аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос сифатида айтишим мумкинки, Президентимиз куни кеча имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон соҳа ривожи учун қулай муҳит, лозим шарт-шароит яратишни назарда тутиши билан тарихий ҳужжат бўлди, десак, янглишмаймиз. Агар фармон тузилишига эътибор қаратсак, дастлаб тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, соҳанинг жадал ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликлар беш йўналишда кўрсатиб ўтилган: тадбиркорларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқишнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги, тизимли муаммоларни таҳлил қилиш бўйича ишларнинг самарали амалга оширилмаслиги, муҳим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича вазирлик, идора, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми йўқлиги. Бундан ташқари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ишбилармонлар билан бевосита мулоқот қилишга, уларнинг қонуний талабини аниқлаш ва муаммоларни тезкорлик билан бартараф этишга етарлича эътибор берилмаётир, мурожаатлар билан ишлашда жойларда бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамон учраётир, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларни ўз вақтида амалга ошириш ишлари талаб даражасида эмас.

Ҳужжатда ушбу ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирлари, механизми белгилаб берилган. Бирламчи ташкилий чоралар: Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ва мувофиқлаштириш котибиятини ташкил этиш, "business.gov.uz" ягона интерактив портали фаолиятини йўлга қўйиш, мурожаатларни кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, видеоконференцалоқа воситасида ва сайёр қабулларни ўтказиш, мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари белгилаб берилди.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш, бу фаолият натижалари бўйича ҳисобдорлик, шунга масъул идоралар кетма-кетлиги, мурожаатда кўтарилган масалалар ечими тартиби ва, албатта, мониторинг натижаси ўлароқ муаммолар ечими қонун ҳужжатларини такомиллаштириш воситаси орқали таъминланиши ҳам белгилаб берилди. Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш, назорат қилиш, кўрилаётган чора-тадбирлар ва таклифлар киритиш манзилли равишда Адлия вазири, Савдо-саноат палатаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ҳисоб палатаси ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан ваколатига мувофиқ ҳал этиш кўрсатиб ўтилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар ҳамда ўз тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эвазига халқ фаровонлигига эришишга ҳаракат қилаётган барча фуқароларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур фармон эса ўз моҳиятига кўра бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга ҳамда партия электорати манфаатига хизмат қилади. Шу боис партия ўз фаолияти ва парламентдаги фракцияси фаолиятида тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга ошириш ва ўз воситалари орқали назоратини олиб боришни устивор вазифа сифатида белгилаб олади. Ушбу фармон билан белгилаб берилган вазифалар партия фаолиятининг ажралмас қисми эканини унутмаслигимиз даркор.

Нуриддин МУРОДОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудири, Экспертлар гуруҳи раҳбари

Аёллар қаноти

Хотин–қизлар ҳар доим фаол

Балли, Гулчеҳра!

Гулчеҳра Файзуллаева ёш бўлса-да, Сирдарё вилоятида энг кўп иш ўрни яратган тадбиркорлардан. Унинг "Гули модалар дунёси" тикувчилик корхонасига асос солганига ҳали бир йил тўлгани йўқ. Сайхунобод туманидаги болалар боғчасининг эски, тўкилиб қолган биносини "ноль" қийматда олган ёш тадбиркор ўтган муддат мобайнида бир миллиард сўмга яқин инвестиция киритди.

Корхонанинг саранжом-саришта ҳовлисидан ичкарига кириб, бир хил ишчи коржомасини кийган, юз-кўзидан мамнуният ёғилиб тикув машиналарида ишлаётган қиз-жувонларни кўриб, "Балли, Гулчеҳра!" деб юборгингиз келади.

Албатта, бу мақтов бежиз айтилмаяпти. Эшик-деразалари кўчириб кетилиб, аянчли аҳволга келиб қолган бинони кўз кўрса қувонадиган, кўркам, хотин-қизлар билан гавжум корхонага айлантириш Гулчеҳра учун осон бўлмади. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда унинг банк-молия тизимида ўқиганлиги, "Агробанк" Сайхунобод тумани филиалида уч йил мобайнида меҳнат қилгани жуда қўл келди. Ҳокимият балансида турган мазкур бинони ўтган йилнинг ёз ойида ижарага олгач, реконструкция ишларини жадаллик билан тугаллади.

Тадбиркорликни бошлаш учун "Миллий банк"нинг Сирдарё вилоят филиалидан 450 миллион сўм миқдорида кредит олган Гулчеҳра Файзуллаева 100 та тикув машинасини сотиб олди, цехларни керакли ускуналар билан жиҳозлади. Ишни йўлга қўйишга мутахассисларни жалб қилди, зарур хомашё келтирди.

Дастлаб 50 нафар тикувчи билан иш бошлаб, болалар кийим-кечакларини тайёрлаб, ички бозорга чиқарди. Оз фурсат ичида тикувчилар томонидан тикилган ўндан зиёд турдаги маҳсулотга талаб ортиб, болалар кийим-кечакларини четга ҳам экспорт қила бошлади.

Сайхунобод тумани Нурли йўл маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Гули модалар дунёси" корхонасининг бугунги кунда 150 нафардан зиёд тикувчиси бор. Корхонанинг Сурайё Қодирова, Жамила Ўразова, Насиба Мусурмонова, Дилрабо Қаюмова сингари қўли гул чеварлари бошқаларга намуна бўлмоқда. Айни пайтда тикувчи қиз-жувонлар томонидан "Бек кластер" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ва "Оқолтиндон" акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳамда туман фермер хўжаликлари учун буюртма асосида махсус кийим-бошлар тикиш ҳам йўлга қўйилди.

– Икки-уч ойдан кейин Россия ва Туркияга болалар сочиқларини экспорт қиламиз, – дейди ишбилармон. – Бунинг учун керакли хомашёни ғамлаб қўйдик.

Тикувчилик корхонасида "Бахмалсой", "Нурли йўл" МФЙ ва "Соҳил" шаҳарчасидан келиб ишлаётган хотин-қизлар 500 минг сўмдан 3 миллион сўмгача маош олишяпти. Корхонада ўқув курси ҳам ташкил этилган бўлиб, ишга қабул қилинган тикувчилар аввал шу курсда ўқитилади. Ҳар ойда 20 нафардан зиёд уй бекалари, келинлар, ёш қизлар тикувчилик курсида касб сир-асрорларини пухта ўрганишмоқда.

– 52 ёшдаман, 6 фарзандим бор. Тўрт қизимни турмушга чиқардим, – дейди тикувчи Гулсара Келдиева. – Уйда қўл машинасида фарзандларимга кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини тикиб юрардим. Қишлоғимизда, шундоққина уйимизга яқин жойда тикувчилик корхонасининг очилганлигини эшитиб, корхона қошида ташкил этилган курсда 15 кун амалиёт ўтаб, замонавий машиналарда тикишни ҳам ўрганиб олдим. Мана, ёшлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб ишлаяпман. Қани энди, мана шундай корхоналар ўн йил аввал очилганида борми?..

Гулистон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тамомлаб, мазкур корхонада иш бошлаган Севара Мажидова ҳам ўз қувончини яшира олмади. Яна бир эътиборли жиҳат, қишлоқ хотин-қизлари ойладан ажралмаган ҳолда ишлаб, 250-500 минг сўмгача ҳақ олишяпти.

Биз тикувчилик корхонасида бўлган кунимиз партия ҳудудий ташкилотининг Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Сабоҳат Бобоеванинг ташаббуси билан "Бугуннинг тадбиркор аёли" мавзусида маҳорат дарси ўтказилди. Унда Гулистон қишлоқ хўжалик ҳамда Сайхунобод туманидаги Пахтакор маиший касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этишди. Гулчеҳра Файзуллаева ўз тадбиркорлик фаолияти, ишни "ноль"дан бошлаш сирлари, банкдан кредит олиш ва янги иш ўринлари яратиш борасида ёшлар билан суҳбатлашди. Ёшлар томонидан берилган саволларга жавоб берди. Бичувчи Элдор Эркинов матоларни танлаш, қайси мавсумда қандай матолардан кийим-бошлар тикиш, қайчилардан фойдаланиш, тикув дастгоҳларини бошқариш бўйича маҳорат дарсларини ўтди.

"Гули модалар дунёси" корхонасида қандолатчилик цехи ҳам фаолият юритяпти. Мавсумий ишчилар тўйларга, байрамларга, турли тадбирларга тортлар, 20 хилдан зиёд қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаб туҳфа қилишмоқда. Ушбу цехда ўндан зиёд қишлоқ хотин-қизларининг бандлиги таъминланган.

Шунингдек, ёш болали аёлларнинг самарали меҳнат фаолиятини олиб боришларида айрим муаммолар пайдо бўлаётганлиги туфайли 10 нафар бола учун уй боғчаси ташкил қилинди.

Тиниб-тинчимас тадбиркор тумандаги "Иттифоқ" МФЙ ҳудудида 100 ўринли хусусий болалар боғчасини очиш ташаббуси билан чиқди. Унинг ташаббуси қўллаб–қувватланиб, "Асакабанк"нинг вилоят филиалидан 3 миллиард 180 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Икки қаватли, барча қулайликларга эга боғчанинг шу йилнинг май ойида очилиши мўлжалланмоқда. Бунинг учун 18 нафар ходим сараланди. Бугунги кунда бинода сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари поёнига етмоқда.

Дилором ЭСОНОВА,
журналист

Асакалик Собировлар

Асака тумани Отиш маҳалласидаги Собировлар хонадонини кўпчилик яхши билади. Кенг ҳовлининг 21 сотиҳдан иборат томорқаси нақ даромад манбаининг ўзи. 20 сотих майдондаги 7 та иссиқхонада етиштирилаётган помидор, бодринг, булғори қалампири, 1 сотих ердаги қорамол парваришидан олинаётган даромад нафақат оила, рўзғор кам-кўстини тўлдиряпти, балки фаолиятни кенгайтириш, маҳалладаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтожларга амалий кўмак, вилоятдаги Мурувват ва Меҳрибонлик уйларига ҳомийлик каби эзгу саъй-ҳаракатларга ҳам сарф этиляпти.

– Дастлаб 2012 йилда атиги 2 та иссиқхона билан фаолият бошлаганмиз, – дейди Азизахон Собирова. – Ишимизни йўлга қўйган илк дамларда фарзандларимизни ёнимизга олдик. Йилдан-йилга даромадларимиз ҳисобига маҳалламиздаги ишсиз ёшларни, уй бекаларини атрофимизга жалб қилдик.

Хонадон соҳибасининг фикрлари исботини иссиқхоналарда меҳнат қилаётган, ниҳоллар парвариши билан банд 30 нафардан зиёд ишчилар билан суҳбатда янада ёрқинроқ билдик.

– Уй бекасиман, – дейди шу ерда меҳнат қилаётган Фотимахон Жўраева. – Мен ҳам ҳалол меҳнат билан оиламга даромад олиб кириб, турмуш ўртоғимга суянч бўлишни истардим. Кунлик олаётган маошим оиламиз бюджетига ҳисса бўлиб қўшилаётганидан хурсандман.

Соғлиқнинг қадрига соғломликда етинг

Хотин-қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида "Соғлом оиладан – мустаҳкам оилага" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирлар андижонлик хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратяпти.

Хусусан, O'zLiDeP Андижон шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан шаҳардаги Муҳаммад Юсуф номли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида "Соғлом она – мустаҳкам оила пойдевори" мавзусида бўлиб ўтган спорт мусобақаси айни мақсадга хизмат қилди.

Спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган мазкур мусобақада Андижон шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган 300 нафар хотин-қизлардан иборат 22 та жамоа ўзаро беллашдилар.

– Ушбу мусобақа O'zLiDeP Андижон шаҳар Кенгаши ҳамда Андижон шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ўртасида тузилган қўшма қарорга асосан "Соғлом она – мустаҳкам оила пойдевори" лойиҳаси доирасида ташкил қилинди, – дейди O'zLiDeP Андижон шаҳар Кенгаши аппарати раҳбари Жаҳонгир Жиянов. – Беллашув давомида бирдамлик ва аҳилликни ўзига шиор билган жамоалар "Аёллар қаноти"нинг қимматбаҳо соврини ҳамда Самарқанд вилоятига бепул саёҳат чипталарини қўлга киритиш учун ҳаракат қилдилар.

Қизғин ўтган мусобақада 1-ўринни ва Самарқандга саёҳат чипталарини Андижон вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази жамоаси қўлга киритди. Шунингдек, беллашувда "Энг фаол иштирокчи", "Энг фаол жамоа", "Энг ёш иштирокчи" ҳамда "Фахрий иштирокчи" номинациялари бўйича ҳам қатнашчилар партия "Аёллар қаноти"нинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хуршидахон ХАЛИЛОВА,
O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари

Журналист ён дафтаридан

Освенцим... Бу номни эндиликда фақат Ғарбдагина эмас, қитъамизнинг барча бурчакларида ўлим лагери сифатида билишади. Бу сўзни тилга олишимиз билан юрагимизга алам, вужудимизга титроқ киради.

Освенцим маҳбусаси

Тақдир тақозоси туфайли сайёҳ сифатида ана шу даҳшатли ажалхона рўпарасида турибман. Таржимоннинг изоҳидан кейингина ўзимни қаерда эканлигимни англай бошладим. Юрагимда оғриқ сезаман. Ҳайҳот! Бу ердаги ҳадсиз азоб-уқубатларга инсон боласи қандай чидади экан?

Кун бўйи карахт бўлиб юрдим. Ҳар оқшомда саҳифаларини тўлдириб борадиган ён дафтаримга ҳам ҳеч нарса битолмадим. Варақ бетига кўзимдан, йўқ-йўқ, қалбимдан ёш оқиб тушарди. Фақат "1989 йилнинг кузи. Октябрь ойининг ўнинчи куни, Освенцим лагери. 74090-маҳбус изтироблари" деб қайд этиб қўйдим.

9 май арафасида қаламкашлик бурчимни адо этишга қалбимда асраб-авайлаб юрганларимни оқ қоғозга туширишга жазм этдим.

...Табиат ҳам бир нарсани сезгандек кўнглини очмади. Ғарб учун одатий туюлган булут бизнинг юрагимизга ўтирмайди. Кечаси бошланган ёмғир эртасига ҳам тинмади. Инсон азоб-уқубатларининг, айрилиқ ва фироқнинг кўз ёшларига ўхшайди. Булутли ҳаво елкамдан босиб тургандек. Ўлим лагери остонасидан кирар эканман, бу оғирлик янада вазминлашгандек туюлди.

Ҳайҳотдек майдонни эгаллаган лагерь биноларига урушдан кейин қўл теккизилмаган. Тиканли симлар, қоровулхона, қорайиб кетган дорлар, газ камераси, ҳаммом...

Мана бу ерда эса маҳбусларни отишарди. Деворларга юрак қони билан битилган ёзувлари ҳали ўчмаган. Битиклар ёнида ўрнатилган мармар лавҳаларга кўз югуртираман.

"Иккинчи жаҳон уруши даврида Освенцимни гитлерчилар "ўлим комбинати"га айлантирдилар. Газ камераларининг бешта бўлинмасида ҳар суткада 8 минг нафар одам танаси ёндирилди. 210 квадрат метр ҳажмдаги катта камерага баъзан 3 минг нафаргача кишини киритдилар".

Ё раб! Инсон эканлигини биларми-кан улар. Ахир ҳайвон ҳам жаҳолатга бу қадарлик эрк бермайди-ку! Наҳотки, ваҳшийликнинг чегараси бўлмаса?!

Лавҳалардаги маълумотларнинг ҳар бирида кишиларнинг азоб-уқубати, алами акс этган.

"Освенцимга аввал польшалик яҳудийларни келтиришди. Кейин немислар, чехлар, венгерлар, итальянлар, руслар... 50 дан зиёд миллат вакиллари турли азобларга дучор қилиндн. Айниқса аёлларни истаганча таҳқирладилар".

Ҳайҳот! Онаси туққанмикин уларни? Волидаи муҳтарамаси оқ сут ўрнига заҳар берганмикин? Миллати, ота-онаси бормикин ўша газандаларнинг?!

Мармар лавҳалардан нигоҳимни олиб қочмоқчи бўламан. Қалбимда эса туйғулар ловуллайди. Атрофимга боқаман: ҳамроҳларимнинг ҳам кўзларида ёш. Томоғимга нимадир тиқилгандек.

Биринчи зонанинг 18-барагида ўрта бўйли, сочи қизғишранг, мовий кўзли аёлни учратдик. У кўз ёшларини артиб, аввалдан танишдек бизга пешвоз чиқди. Экскурсовод бўлса керак, деган фикрда атрофини ўраб олдик. Аёл рус тилида гапира бошлади.

– Билиб турибман, Ўрта Осиёдан келгансизлар-а?

– Ҳа, Ўзбекистондан, Самарқандданмиз, сиз-чи?

– Украинадан келдим, Житомир областиданман.

– Кечирасиз, яқин кишингиз урушда ҳалок бўлганга ўхшайди?

Аёлнинг бағри тўлиб кетди. Йиғини тўхтатолмади.

– Мен ана шу ўлим лагерининг собиқ маҳбусиман. Қариндошларимни йўқотганлигим камлик қилганидек, сизлар турган мана шу барақда икки ярим йил уқубат тортганман. Қани энди ўша жаллодлар тирик бўлсаю, сизларнинг кўз ўнгингизда уларни мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдирсам.. .

Қалбим титраб кетди. Юрагимда аёлга нисбатан шафқат, меҳр уйғонди. Наҳотки кинода кўрганларимиз маҳбуслар ана шу аёлдек бўлса?!

Елена Александровна Тричева билан суҳбатимиз самимий бўлди.

– Ўшанда 14 ёшда эдим. Гитлерга қарши гапиргансизлар, деб бутун оиламизни шу ерга олиб келишди. Ота-онамни, акамни бошқа баракка ўтказишди. Уларни қайтиб кўрмадим. Мени эса қизлар бўлмасига жойлашди. Жуда кўпчилик эдик, тиқилиб яшардик. Ёз кунлари эса ҳидланиб кетарди. Ҳеч ким ўзини бу ерга нима учун олиб келишганини билмасди.

– Маҳбуслар ўртасида норозиликлар ҳам бўлармиди?

– Э-ҳа, норозилик дейсизми... Ҳар куни уч марта текширишарди. Ҳовлида саф торттириб, битталаб санашарди. Гап қайтарсанг ёки ортиқча ҳаракат килсанг, тамом, ҳамманинг кўзи олдида ё отишади ё осишади. Очиғи, инсон устида бу ерда амалга оширилган аянчли "тажрибалар" ҳақида биз, болалар ҳеч нарса билмасдик. Тўғри, бараклар оралаб бўйимиз ва оғирлигимизни ўлчаб кимларнидир олиб кетишарди. Аммо негалигидан хабаримиз йўқ эди. Чунки улар қайтиб келишмасди.

– Бундай аҳволда одамнинг юраги тошдек бўлиб кетса кераг-а? Умуман, сиз лагерда ўлим хавфини сезганмисиз?

– Ҳар куни, ҳар соатда сезардик бу даҳшатни. Фашистлар башарасини кўришнинг ўзи ўлимдан ёмон эди. Ташқарида кўпгина аёллар билан бирга ишлардик. Энди фаҳмласам, улар бизларни газ камераларидан олиб қолиш учун ўзларини минг азобга дучор қилишган экан. Ўшандай буюк қалб эгалари олдида бир умр қарздорман.

Э, нимасини айтасизлар. Биз чеккан азобни гапириб беришга битта одамнинг умри камлик қилади. Озодликка чиққан кунимиз ўзимдан кетиб қолибман. Қувончнинг ҳам чегараси бўларкан. Баъзилар севинчини кўтаролмай ўлиб қолди...

Ҳарбийлар ёрдамида қадрдон қишлоғим Новгород-Волинскийга бордим. Отам-онам, ака-укаларим, қариндошларимнинг кўпчилиги ўлиб кетган экан. На илож, яшашга мажбурмиз. Ҳозир 60 ёшдаман, қизим, невараларим бор. Шаҳар уруш ветеранлари кенгаши ёрдамида бу ерга биринчи маротаба келдим...

– Нега биринчи марта?

– Эҳ азизлар, лагердаги кўргиликлар биз учун оз экан. Ўзимиз томондагиси бундан ҳам ошиб тушди. Сизлар асирда бўлгансизлар, деб узоқ йиллар давомида сўроқ қилишди, кун беришмади. Бу ерга келиш у ёқда турсин, мамлакатдан четга чиқишга ҳаққимиз йўқ эди...

Елена Александровна билан худди опа-укалардек хайрлашарканмиз, кўзларида аламли ёш билан: "Освенцимнинг абадий музей бўлиб қолишини истайман. Серқуёш юртингизга борганда одамларга менинг гапларимни албатта, етказинг. Инсон учун берилган умр ўлчовли. Шундай экан, унинг қадрига етайлик".

Мунис аёлнинг қалб изтироблари менинг юрагимга ҳам кўчиб ўтганди...

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд – Москва – Польша.
1989 йил, куз.

Акция

Депутатнинг ҳиммати

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган китоб совға қилиш акциясига ўзининг муносиб хиссасини қўшишни ният қилган O'zLiDeP Хонқа туман Кенгаши раиси, маҳаллий кенгаш депутати Ойбек Абдуллаев ўзи таҳсил олган 37-умумтаълим мактаби кутубхонасига бадиий китоблар жамланмасини совға қилди.

– Депутатдан нафақат бизнинг жамоамиз, балки маҳалла фаоллари ҳам миннатдор, – дейди мактаб директори Отабек Жуманиязов. – Турли тадбирлар, танловларимизга бевосита қатнашиб, доим болаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатади. Унинг фаолиятини, меҳнатини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз ва ўқувчиларимиз ҳам келгусида мана шундай олижаноб инсон бўлиб етишишига ишонамиз.

Навқирон авлодни китобхонликка чорлаш, уларнинг мутолаага бўлган қизиқишини кучайтириш орқали маънавий дунёсини бойитишдек эзгу ишларни ўзида мужассам этаётганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу хайрли ташаббус болаларнинг ўқишга бўлган иштиёқи, меҳрини янада ошираётир.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши матбуот котиби

Банк ва мижоз

Хизматга яраша сифат ҳам ошади

"Асака банк" акциядорлик тижорат банки томонидан кредит ажратиш шартларини соддалаштириш, кредит қайтмаслиги хатарини суғурта хизматлари орқали кафолатлаш имкониятларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда қайд этилганидек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 2018 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 3 448,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1-чорагида 953,0 миллиард сўмни ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида ажратилган кредитларнинг қарийб 51 фоизи саноат, 27,8 фоизидан ортиғи қишлоқ хўжалиги, 1,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 4,4 фоизи қурилиш, 4,4 фоизи маиший хизмат кўрсатиш, 10,8 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг асосий қисми саноат соҳасига тўғри келмоқда. Тадбиркорлик субъектларига 2019 йилнинг январь-март ойларида ажратилган кредитлар ҳисобига 1 222 та янги иш ўрни яратилгани ҳам эътиборга молик.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларга соддалаштирилган шартларда кредит ажратилишини таъминлаш мақсадида "Асака" банк томонидан "Silver", "Gold" ва "VIP" кредит карталари ҳамда нақд пул шаклидаги микроқарзлар таъсис этилган. Мазкур кредит карталари кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Жорий йил бошидан буён "Асака" банк томонидан 5 757 дона кредит картаси бўйича жами 45,0 миллиард сўм молиялаштирилди.

– Шу билан бирга "Асака" банк томонидан 12 ойгача бўлган муддатда қайта тикланадиган шаклда, 25 фоиз ставкада овердрафт кредитлари ҳам ажратилмоқда, – дейди банкнинг кредитлаш департаменти бошлиғи Бобурхон Усманханов. – Овердрафт жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг (пенсиянинг) 3 баробаригача бўлган миқдорда берилади.

Мухтасар айтганда, ўзаро ишонч, манфаатли ҳамкорлик янгидан-янги ютуқларга йўл очади.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

"МЕНИ САЙЛАНГ, МЕНИ..."

Кўряпмиз, кузатяпмиз, мамлакат миқёсида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови роса қизғин ва қизиқ жараён сифатида ўтяпти. Бу йилгиси, тан олиш керакки, аввалгилардан фарқли, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, англаган одамлар иштирокида баҳс-мунозаралар, ҳатто жиддий тортишувлар асносида кечаётир. Тўғри-да, энди эскича ишлаб ҳам, яшаб ҳам бўлмаслигини деярли кўпчилик тушуниб етди. Лекин...

Ҳалиям ибтидоий қарашда юрганлар борлигини айрим худудларда ўтаётган сайловлар кўрсатиб қўйганига кўпчилигимиз гувоҳ бўлдик. Бу, асосан маҳаллий ҳокимлар буйруғию кўрсатмаси асосида ўтган баъзи худудлардаги сайловларда яққол сезилиб қолди (Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятлар мисолида).

Хўш, нима учун фуқаролар йиғинлари раислигига сайланганларнинг каттагина қисмини "қайта"рбойлар ташкил этяпти? Бу йилги сайловларнинг шаффоф, ошкора руҳда ўтишига баҳоли қудрат ишонган, катта ҳаётий тажрибага эга ёки ташаббускор, одамлар дарди билан яшашни ният қилган турли ёшдагиларнинг ҳафсаласи пир бўлаётганига сабаб нима? "Нимасини айтасиз, ҳокимларга янгича фикрлайдиган, кўпроқ оддий фуқароларга ён босадиган бир сўзли номзодлардан кўра, нима деса хўп бўлади, деб таъзим қилиб тургувчи ўз мустақил фикрига эга бўлмаган эски раислар керак-да. Бизнинг янги маҳалла фуқаролар йиғинимизга шу вақтгача бирор марта давлат режасини бажармаган ҳайбаракаллачи, ўтакетган ёлғончи фермер раис эди. Аҳолининг сал кам тўқсон фоизи унинг номзодига қаршилик кўрсатди, лекин туман ҳокими яна ўша лўттибозни рўйхатга киритди" , дейди куни кеча ўз номзоди асоссиз равишда унинг розилигисиз сайлов бюллетенидан олиб ташланган 40 ёшли йигитлардан бири қўнғироқ қилиб...

Энди буёғи неча пулдан тушяпти, беихтиёр яна ўша эски замонда айтилган хиргойи эсга тушади: "Мени сайланг, мени"...

Рустам ПОЛВОНОВ

АВЛОНИЙ БОБО, ОЙНАМИЗ ХИРАЛАШДИМИ?

Пойтахтимизнинг марказий кўчаларига "Амир Темур", "Мустақиллик", "Буюк Ипак йўли", "Тараққиёт", "Мирзо Улуғбек", "Шароф Рашидов" сингари ўзига тортадиган ҳақиқий ўзбекона номлар берилган. Аммо бу МАРКАЗИЙ кўчалардан илк бор ўтаётган одам ўзининг Тошкентда эканлигига шубҳа қила бошлайди. Хўш кўчаларимизга ўзбекча ном беришга бердик, нега энди қаҳвахона, дорихона, ресторан, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига қўйилган номлар: "Kebbi" "Крепость", "Перекрёстокъ", "Millenium", "Globus", "Золотыстие выпечки"... Энди "Амир Темур" шоҳ кўчасига ўтамиз: "Radisson", "Bressiria", "Royal", "Choco world" "Super bistro", "Mig bistro", "Kapriz", "Lagoste", "Будильник", "Urban Toys"... Ҳатто ифодалашга тил ҳам келишмайдиган бундай атамалар билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

"Izmir", "Burji al – arab", "Аты - Баты", "Крепость" деб номланган спиртли ичимликлар дўконию тамаддихоналарда турк, араб, рус миллатига мансуб бирор иш бошқарувчини ҳам, хизматчини ҳам кўрганим йўқ. Шаҳар марказидаги бинолар пештоқидаги бундай атамаларга Америка, Франция, Туркия, Арабистон ёки Россия давлатларидаги дарё, шаҳарларнинг нима алоқаси бор? Ушбу масканларда фаолият юритаётган тадбиркорлар орасида бирор чет элга бормаганлари ҳам бисёр бўлса керак.

Нега хориждан келган сайёҳлар юртимизнинг энг гўзал шаҳарларини ҳайратланиб томоша қиладилару, бироқ ўз мамлакатларига қайтгач, бинолари пештоқига, катта баннерларга "Ўзбекистон", "Тошкент", "Самарқанд", "Алпомиш", "Палов" деган номларни илиб қўйишмайди? Узоққа бормайлик, ҳар куни телевизор орқали кўрсатилаётган чет эл филмлари, сериалларида уларнинг кўчаларидаги пештахталарга, бинолар тепасига ёзилган лавҳаларга кўзимиз тушади. Масалан, корейс сериалларида инглиз, рус, лотин тилидаги ёзувни эмас, соф корейс ёзувидаги атамаларнигина кўрамиз.

Хўрозқанд чет элники деса ётиб ялаш қон-қонимизга сингиб кетганми?

Абдулла Авлоний бобомиз тил миллат ҳаётининг ойнаси, демаганмиди. Абдулла бобо, бугун ҳаётимиз ойнаси жуда хиралашиб кетди. Хира ойна ортида бугун биз ишонган миллатимиз вакиллари тилимиз учун курашиш ўрнига унинг таназзулига "ҳисса" қўшиш билан овора.

Журналист Барно СУЛТОНОВАнинг Фейсбукдаги профилидан қисқартириб олинди.

АТ "Халқ банки" Китоб филиали:

147 миллион сўм кредит маблағи қаерда?

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, Бош Прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қашқадарё вилояти Китоб туман бўлими ходимлари томонидан "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури бўйича фуқароларга "Иссиқхона" қуриш учун ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан мониторинг ўтказилган. Аниқланишича, туманда тузилган ишчи гуруҳ ва банк ходимлари томонидан кредит олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг эҳтиёжмандлиги жойига чиқиб ўрганилмасдан ва кредит ажратилишига оид ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги текширилмасдан кредитлар ажратилиши оқибатида, иссиқхона қуриш учун АТ "Халқ банки" Китоб филиалидан 11 нафар фуқароларга 147 миллион сўм кредит маблағлари ноқонуний ажратилиб, кредитларнинг мақсадсиз сарфланганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан АТ "Халқ банки" Китоб филиали мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда, дейилади хабарда.

Ушбу рукн материалларини Жавҳарбек ҚОДИРОВ тайёрлади.

Реклама ҳуқуқида

Хотира муқаддас, қадр абадий

Иккинчи жаҳон урушига отланган юртдошларимизнинг кўпчилиги ҳалок бўлгани ва бедарак йўқолгани сир эмас. Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, биргина Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидан 2 767 киши фронтга кетган бўлса, улардан атиги 648 нафаригагина омон қайтиш насиб этган. 2 119 нафари эса...

Хотира муқаддас, хотира азиз. Уларнинг номларини абадийлаштириш ва авлодларга етказиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Ана шу мақсадда туман ҳокимлиги ва Деҳқонобод калий заводи ҳомийлигида савоб ишга қўл урилди – урушдан қайтмаган деҳқонободлик жанчилар номини абадийлаштириш мақсадида туман марказида Хотира хиёбони мажмуаси барпо этилди. Мотамсаро она ҳайкали, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган деҳқонободлик аскарларнинг номлари битилган Хотира китобини ўз ичига олган мажмуанинг очилиш маросими айнан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунида нишонланди.

Дастлаб Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, вилоят ҳамда туман ҳокимликлари, Деҳқонобод калий заводи ва жамоатчилик вакиллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

– Бугунги дориломон кунларимиз, тинчлигу хотиржамлигида сиз азиз қаҳрамонларимизнинг ва урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳиссаси беқиёс, – деди Қашқадарё вилояти ҳокими, сенатор Зафар Рўзиев. – Бунинг учун сизларга ҳар доим бошимиз ерга теккунча таъзим қилсак арзийди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Хотира хиёбони Қўқон, Шаҳрисабз ва тошкентлик усталар томонидан шарқона меъморчилик анъаналари услубида барпо қилинган. 1 миллиард 23 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Эндиликда ушбу хиёбон олдида 3 миллиард сўм маблағ эвазига амфитеатр ҳам қурилиши режалаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда деҳқонободлик уруш қатнашчиларининг 5 нафари, отқамарлик 95 ёшли Абдулҳаким Жабборов, чилгазлик 98 ёшли Садат Азизов, Торқапчиғай қишлоғидан 97 ёшли Жўра Шокиров, 93 ёшни қаршилаган Жума Ибрагимов, Қорашинада яшовчи 93 ёшли Инат Шариповлар пиру бадавлат бўлиб яшашяпти.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Президентимиз номидан пул мукофоти ва эсдалик совғалар топширилди. Уруш ва ғалаба кунларини акс эттирувчи театрлаштирилган саҳна кўринишлари, ҳарбий оркестр, воҳа санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага янада кўтаринки кайфият улашди.

Бундан ташқари мажмуа қурилишига ҳомийлик қилган "Деҳқонобод калий заводи" масъулияти чекланган жамияти вакиллари заводда муқаддам ишлаб, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшган, марҳум 20 нафар ишчиларнинг уйларига бориб озиқ-овқат маҳсулотлари, совға саломлар улашишди. Бу нафақат ўтганларни хотирлаш, қолаверса биз билан елкама-елка бўлиб, ҳаёт синовларида тобланиб келаётган дўсти биродарларимизни ҳам қадрлаш лозимлигининг амалий исботидир.

Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Оролбўйида ободончилик авжида

Мамлакатимиз шимолий дарвозаси – Қоракалпоғистон сўнгги икки йилда бунёдкорлик марказига айланди, десак муболаға бўлмайди. Янгитдан тикланаётган кўп қаватли уйлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари бинолари, маданият масканларию истироҳат боғлари, кенг-равон йўллар – барча-барчасини кўрибоқ айни фикримизга қўшилишингиз аниқ. Ана шу ютуқларнинг айримларига туманлар кесимида назар ташлайлик-чи.

Амударё туманида бинокорлик ишлари авжи тобида. Хусусан, "Жумуртов тех таъмир сервис" масъулияти чекланган жамиятининг тиришқоқ қурувчилари Хитой маҳалласида болажонлар учун боғча барпо этишяпти.

– 50 нафардан зиёд аҳил жамоамиз саъй-ҳаракати билан 18-мактабгача таълим муассасасига қарашли 75 ўринли филиални пойдеворидан бошлаб қуряпмиз, – дейди жамият директори Баҳодир Тўрабоев. – Мазкур 2,1 миллиард сўмлик инвестицион лойиҳада сифатли ва арзон ғишт, бетон плита каби қурилиш маҳсулотларидан фойдаланиляпти.

Жорий йил Тўрткўл туманидаги Мискин маҳалласи аҳли учун 216 ўринли янги умумтаълим мактаби қуриш режаланган бўлиб, ушбу вазифани "Бўстон универсал қурилиш" хусусий корхонаси бинокорлари ўз зиммасига олган. Шунингдек, тумандаги 75 ўринли 21-мактабгача таълим муассасаси моҳир қурувчи Баҳодир Ниёзимбетовга тегишли "Тўрткўлагротемирйўлтаъмир" хусусий корхонаси томонидан бунёд қилиняпти. Лойиҳа қиймати – 2,16 миллиард сўм!

Бундан ташқари, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали буюртмасига асосан Чимбой тумани Конши маҳалласида 8 та, майдони 2 сотихли арзон уй-жой қуриляпти. Бу ерда Кужабой Серенбетов раҳбарлигидаги "Шымбай таъмирлаш" масъулияти чекланган жамияти ходимлари меҳнат қилишмоқда. Дарёбой Бахиев бошчилигидаги "Тагжаб жана қурилиш" хусусий корхонаси қурувчилари эса 4 қаватли, 2-3 хонали, 24 хонадонли арзон уй-жойни ўз муддатида қуриб фойдаланишга топширишмоқчи.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Инсонга тўлақонли ҳаёт кечириши учун аввало нима керак?

Барча қулайликларга эга, меҳнатига яраша ҳақ тўланадиган иш ўрними?

Бундай ишни қандай топиш мумкин?

Таниш-билишлар... дейсизми? Унда сизга шубҳа билан қарашлари мумкин.

Иш излаяпсизми? Унда имкониятдан фойдаланинг!

IPOTEKA BANK

Яхшиси, бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашинг. Бу ерда ҳеч қандай таниш-билишга ҳожат йўқ. Чунки, билим-салоҳиятини намоён қила олган ходим ҳар қандай ташкилотга керак. Мамлакатимизнинг юздан зиёд етакчи компаниялари қатнашиб келаётган "JobFair" (Job – иш, Fair – кўргазма) бу борада сизга ёрдам беради. Мазкур бўш иш ўринлари ярмаркаси фуқароларга, айниқса, ёшларга ўз ихтисослиги, қизиқишларига қараб иш топишга кўмаклашиб келмоқда. Унда ёшлар меҳнат бозори билан яқиндан танишади. Бу иш берувчилар, таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қиладиган ва ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган кенг кўламли йиллик тадбирдир.

– Жорий йилнинг 7-8 май кунлари Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган "JobFair – 2019" XII-бўш иш ўринлари ярмаркасида биз ҳам қатнашдик, – дейди "Ипотека-банк" АТИБ ходимларни бошқариш департаменти самарадорликни бошқариш ва компенсациялар бўлими бошлиғи Сардор Йўлдошев. – Бу ярмаркада иш берувчи ва салоҳиятли ходимлар ўртасида боғлиқлик ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларнинг ягона платформасини яратишга қаратилган. Хўш, тадбир "Ипотека-банк"ка нима берди? Аввало, банкимизда янги бўлимлар, ўнлаб иш ўринлари очилдики, уларга олий маълумотли, инглиз, рус тилларини яхши ўзлаштирган, иложи борича халқаро тажрибага эга кадрлар керак. Масалан, филиал тармоқ департаментига операцион қўллаб-қувватлаш бўйича бош мутахассис, чакана хизматлар департаменти чакана маҳсулотлар ва маркетинг бўйича бошқарма бошлиғи, маҳсулотлар ва маркетинглар бўйича пассив ва транзакция маҳсулотлари бўлими бош мутахассиси каби ходимларга эҳтиёжимиз бор. Ярмаркада элликка яқин номзодни кўриб чиқдик. Улар орасидан ўндан ортиғида талабларимизга жавоб берадиган кадрлар борлиги маълум бўлди. Айни пайтда номзодлар билан суҳбат олиб боряпмиз. Бу йирик тадбирнинг аҳамияти шундаки, унда битирувчи талабалар, иш қидириб юрганлардан ташқари, ўз иш жойини ўзгартириш, бирор янги йўналишларда ишлаш ниятида бўлган номзодлар ҳам қатнашиб, керакли маълумотга эга бўлади. Унда 80 дан ортиқ компания ва 10 мингдан зиёд абитуриент иштирок этди. 13-17 май кунлари эса "jobFair.uz" сайтида онлайн ярмарка ўтади ва унда 2 000 компания, 20 000 абитуриент қатнашиши кутилмоқда. Иш изловчи учун яратилган қулайликлардан бири эндиликда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлмаган кадрлар ҳам ҳар қандай давлат ташкилоти, жумладан "Ипотека-банк" АТИБга ишга қабул қилинаётганини айтиб ўтиш лозим.

Мазкур ярмарка ташкилотчиси "MyJob.uz" амалий тармоғидан ташқари "Artel" компаниялар гуруҳи "JobFair – 2019" бўш иш ўринлар ярмаркасида бош ҳамкор сифатида иштирок этди. "Seventeam Events" тадбирнинг инвент-ҳамкори бўлди. Ярмаркада "HYYAT REGENCY TASHKENT", "Akfa" компаниялар гуруҳи, "Universal Mobile Systems", "General Motors Powertrain" каби йирик компаниялар қаторида "Ипотека-банк" АТИБ ҳам фаол қатнашиб, бўш ва янги иш ўринларини меҳнат бозорига таклиф этди.

– "MyJob.uz" амалий тармоғи одатий бир кунлик дастуридан фарқли ўлароқ жорий йилги ярмаркани янги форматда ташкил этди, – дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. – Тадбирнинг биринчи куни рекрутинг соҳасидаги энг кучли экспертлардан бири россиялик Ильгиз Валинуровнинг "Турборекрутинг: ходимларни қай тарзда рақобатчилардан тезроқ топиш мумкин?" мавзусига бағишланган семинарида банкимизнинг уч нафар ходими ҳам иштирок этди. Шу орқали улар "Ипотека-банк" АТИБ ходимлари таркибини замон талабларига жавоб берадиган, чуқур билим ва кўникмаларга эга ходимлар билан тўлдириш, меҳнат бозорининг профессионал иштирокчиларини банк таркибига жалб этиш бўйича маҳорат сирларини эгаллашди. Иккинчи куни бўш иш ўринлари намойиш қилинди. Унда "Ипотека-банк" АТИБ нафақат ички меҳнат бозорининг иш топиш ёки иш жойини ўзгартирмоқчи бўлган аъзоларида, балки ҳалқаро билим ва тажрибага эга бўлган иштирокчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу эса банк брендини меҳнат бозорида янада танитиш учун катта қадам бўлди.

Дарҳақиқат, "Ипотека-банк" АТИБ давлат дастурларида белгиланган иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиш билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида муассаса республикамизда уй-жой қурилишини инвестициялаш ҳамда ипотека кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам самарали ишларни ташкил этаётганини қайд қилиш лозим.

Ҳозирги кунда банкнинг 39 филиали, 150 мини-банки, 600 дан ортиқ жамғарма ва коммунал кассаси, 71 валюта айирбошлаш, 104 халқаро пул ўтказмалари шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Банк капитали (жорий йил 1 апрел ҳолатига) 1,7 триллион сўмга, кредит портфели эса 19,2 триллион сўмга етди. Депозит базаси қарийб 6,5 триллион сўмни, шундан аҳоли омонатлари 1,6 триллион сўмни ташкил қилмоқда.

– "Ипотека-банк" АТИБ республикамиздаги етакчи давлат банкларидан бири сифатида кўпсонли мижозларига узоқ муддатли ҳар томонлама ҳамкорлик, бир дарча орқали барча зарурий молиявий маҳсулотлар ва хизмат турлари ҳамда алоҳида ёндашувни таклиф қилмоқда, – дейди Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати етакчи мутахассиси Дилдора Эргашева. – Айни пайтда муассасамизда иқтидорли, салоҳиятли, тил биладиган ёш авлод шаклланиб келмоқда. Улар Халқаро молия корпорацияси вакиллари, халқаро экспертлар билан доимий мулоқот қилиш орқали молиявий тажрибаларга эга бўлади. Маҳсулотларни сотиш ва молия бозорини ривожлантириш, аҳолининг янги банк хизматларига бўлган талабини ўрганиш, масофавий банк хизматларини ривожлантириш каби билим ва кўникмаларини шакллантириш имкони бор. Бундай имкониятлар давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳиссаси қўшиладиган ёш молиячиларни етказиб беради. "JobFair – 2019" сингари йирик тадбирлар эса муассасамизга, жумладан, бошқа ташкилотларга ҳам замон талаблари даражасидаги кадрларни жалб этиш учун имкон яратади.

Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Ҳаёт ҳақиқатлари

Инсон инсонга муҳтож

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиевани тақдир ҳам синаган, ҳам сийлаган. Икки ёшида ўз онасидан айрилди, аммо Тангри таоло яна бир меҳрибон она берди. Шундай олиш-беришлар аро кечди ҳаёти шоиранинг. Таскин шуки, умр шомида яна эътозу эҳтиром кўрди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Шавкат Мирзиёев Президентлиги даврига келиб бетакрор шоиранинг ўлмас ижоди муносиб баҳоланди: "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди...

"Маънавий ҳаёт" журнали 2019 йил 1-сонида Ҳалима Худойбердиеванинг шахсий архивидан қайдлар, қатралар эълон қилди. Шоира қаламидан тўкилган сатрлар қатида синовли ва сийловли умр хулосалари кўриниб турибди. Бир шингил сизга ҳам илиндик.

Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон халқ шоири

***

Лев Толстойнинг "Анна Каренина" китоби қўлимга тушганида 10-синфда ўқир эдим. Асарни ўқиб бўлган туним босинқираб, кўрқинчли туш кўрдим. Шақир-шуқир бостириб келаётган поезд ғилдираклари... Дам-бадам орқасига қараб, юзи докадек оқариб кетган ва поезд ғилдираги тагига ўзини отаётган Анна Каренина... Бу даҳшатли туш ҳали-ҳануз кечагидек кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳамон поезд ғилдиракларининг шовқини қулоқларимга эшитилиб туради.

Муаллиф асарида Аннани ахлоқсиз, бир кўришда яхши кўриб қолган кишисининг ортидан эргашиб кетаверадиган енгилтак аёл сифатида эмас, балки хушхулқ, беқиёс аёллик жозибасига эга, ўз ҳаракатининг масъулиятини ва оқибатини чуқур англаган, киборлар жамиятининг чиркин ахлоқига қарши бош кўтарган бахтсиз аёл сифатида тасвирлайди. Ёш юрагимизни бутунлай ўзиники қилиб олган бу асарни қанчалик севиб ўқимайлик, ўша пайтлар бу асарнинг бир томони ардоқли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилийга тегишли эканини билмаганмиз. Бундай руҳиятимизнинг ич-ичига сингиб кетган асарлар бизнинг қарашларимизни бир қадар ўзгартирмаганми, юксалтирмаганми?! Демак, халқимизнинг маънавияти юксалишида жаҳон адабиётининг бундай сара асарларини таржима қилиб, бизнинг юракларимизга олиб кирган азиз домламизнинг хизматлари беқиёсдир.

Устознинг "Фарғона тонг отгунча" асарини ўқиб, онам йиғлаб ўтирардилар.

Офат гирдоби, қама-қамалар қуюнидан омон қолган ёзувчи оталаримиз саноқли. Уларнинг ҳаётларига, ўтмишларига яқинлашиб борсангиз, шарақлаб очилиб-ёпилаётган қамоқхоналарнинг оғир темир эшикларига дуч келасиз.

Одамнинг жони тошдан, дейишади. Лекин қамоқхонада ўн беш-йигирма йиллаб ётса, ҳар қандай тошларни ҳам букиб, синдириб, йўққа чиқарадиган зах бетонлар тилга киради. Жон сақлаш талвасаси муҳитнинг қоп-қора кўзларини кўр қилиб қўйган. Аммо тарих оқни ҳам, қорани ҳам, ҳалолни ҳам, ҳаромни ҳам бехато ёзиб борадики, эзгулик офтоби нур сочиши билан ҳар бир қўйилган чиркин қадам, айтилган, сотилган жирканч сўз қалқиб юзага чиқади.

Бир таскин шуки, бизнинг нуридийда оталаримиз ўша саргардонлик йилларида ҳам ҳаромдан, беномуслик, разилликлардан ҳазар қилдилар. Шулардан бири Мирзакалон Исмоилий эдилар. Эшитганимни эшитинг:

– Сен ҳам суюнчи олгани келдингми? – дея дағдаға қилди Мирзакалон Исмоилий жиянига бир куни.

– Йўғ-е, корректура олиб келдим.

– Шундай дегин, – ўзига келди устоз. – Сен келмасингдан илгари биттаси телефон қилиб, фалончи вафот этди, сизни табриклайман, деса бўладими?! Одамнинг разиллигини қара: бировнинг ўлими билан бировни табриклашяпти-я... Бу қандай тубанлик. Тўғри, ўша одам мени ёқтирмагандир. Ёқтирмаса ёқтирмас, ҳар бир одам кимнидир яхши кўради, кимнидир хушламайди. Айтгин-чи, жиян, бировнинг жони узилганда суюнадиган одам одамми?!

Азиз, Мирзакалон ота! Сизнинг бу фано дунёсида чеккан чексиз азоб-уқубатларингиз ажрини, мукофотини қодир Оллоҳ у дунё – бақо дунёсида берганига ишонгимиз келади.

Бир қарашда оддийгина, ҳалол, ҳотамсиз,
Бир қарашда мусибатсиз, тенгсиз мотамсиз.
Шу юкларни от юраги билан кўтарган,
Мирзакалон отамсиз Сиз,
Калон отамсиз.

Жойингиз жаннатда, тупроқ тўшакларингиз пардан бўлсин.

***

Тасаввур қилинг, бошингизга бахт қуши қўнди, демак, омадингиз келди. Агар омадингиз асосида меҳнат, яхши кўриб, иштиёқ билан қилинган меҳнат ётса, ишонинг, у ҳақиқий омаддир. Рус шоири Роберт Рождественский айтганидек, энг тоза иш, энг қора иш – бизнинг ишимиз. Қора ишдан қочмаган одамга омад ҳамиша кулиб боқишига ишонаман. Омад омад-да. Ҳаёт ҳаёт-да. Омад ҳам мангу бўлмаслиги мумкин. Бошингдаги бахт қуши учиб кетмаслигига ким кафолат беради?! Шунинг учун ҳам одамзод ҳар қандай ҳолатга тайёр яшамоғи керак. У ўз ҳаёт йўлини – чароғон, нурлими ёки чангалзор, коронғиликми – мардона босиб ўтиши керак. Юнон файласуфи Диоген бир ҳайкалнинг қошига келиб, тилана бошлабди. Ундан нега бундай қилаётганини сўрашганида: "Ўзимни рад жавобига кўниктирмоқчиман", деб жавоб қилади.

Демак, биз ҳар қандай мушкул ҳолга тушганда ҳам ўзимизни йўқотмаслигимиз ва яна тикланиб олишимиз учун тинимсиз ҳаракатда бўлишимиз керак экан.

Ирода, куч, қудрат – булар бир-бирини тўлдирувчи ҳолатлар. Инсоннинг бошида ҳар хил кунлар бор. Инсонга омад ҳадеганда кулиб боқмаслиги мумкин. Айтайлик, саҳронинг бир жойидан умид билан қудуқ қазидингиз. Сувдан асар йўқ. Нима қилиш керак? Ҳеч иккиланмасдан, саҳронинг иккинчи жойидан қудуқ қазишни бошлайвериш керак. Аммо яна сув йўқ. Учинчи, тўртинчи жойдан қазиб, умид билан ишлайвериш керак. Сув чиқади. Чиқиши керак. Мана шу умид бўлса, одам йиқилмайди. Ўнинчи қудуқ қазилганда саҳродан сув чиқади. Ишонинг! Мана шу ўнинчи қудуқнинг устида қўлида бир ҳовуч сув билан оёғида аранг турган, адои тамом бўлган бечора одамни қутлаш керак. Иродали одам деб мана шундайларга, минг бир азобга дуч келмасин, мақсад йўлидан қайтмайдиганларга айтилади.

***

Дийдор! Ундан иссиқ, ундан ғанимат нарса борми дунёда!

Нақшбанд ҳазратлари зиёрат қилгувчиларга қарата шундай дейдилар: Зиёрат қилгувчилар, аввал ўз оналарини зиёрат қилсинлар, кейин бизнинг онамизни зиёрат қилсинлар. Андин сўнгина биз тарафга ўтсинлар.

Бу гапда ҳикмат кўп. "Бир-бирингизни тириклигингизда зиёрат қилинглар", дейилади ҳадиси шарифда.

Яқинда шундай бир тўртликни ёзгандим:

Қувончу қайғуни қорганим бўлди,
Дўсту ёрларим бор. Бор ғаним бўлди.
Бу дунёда қилган энг яхши ишим
Сенга зиёратга борганим бўлди.

***

Экранларда, радиода янграётган қўшиқларни тинглаб баъзан хунобим ошади. "Такрор таълимнинг онаси бўлса, санъатнинг жаллодидир", деган гап бор. Санъатда эксперимент, янгиликка интилиш бўлмас экан, юксалмайди. Томошабин дидини ҳам тарбиялаш керак. Асл қўшиқлар, юрак дардлари мужассам қўшиқлар билан енгил-елпи қўшиқлар ўртасидаги фарқни билмай, ҳар иккаласиниям бирдай олқишлайверар эканмиз, бу соҳа таназзулдан қутулмайди. Янгиликлар, янгиликлар бўлгандаям бизнинг миллий мусиқамиз илдизларидан баҳра олган, озиқ олган изланишлар маҳсуллари бўлиши керак.

Шундай воқеани эшитганим бор. Ойбек домланинг юбилейларига Умарали Норматов Субутой Долимов билан борган экан. Тураётганларида Ойбек домла қийноқлар оқибатидаги касаллик домидан қутулмаган талаффузлари билан тутилиб: "Субутой, Ушшоқ, дутор..." дебдилар. Субутой Долимов "Ушшоқ"ни чалганда Ойбек домла қўшиқ тугагунча эзилиб йиғлаган эканлар...

Мана қўшиқнинг таъсири, мана миллий мақом, миллий маром! Бизнинг халқимиз умри қадар яшайдиган "Қора кўзим"ларимиз, "Ёввойи тановар", "Ўртар", "Куйгай", "Ушшоқ"ларимиз бор-ку. Ахир, янгратинг шуларни!

***

Улуғ бобокалонимиз Хожаи Жаҳон ҳазратларида шундай фикр бор:

"Агар пирнинг кўнгли заррача озор топса, муриднинг барча риёзатлари йўққа чиқади. Муриднинг шайхга муҳтожлиги кўпдир".

Бугун ҳам шогирднинг устоз олдидаги муҳтожлиги кўпми?

Фарзанднинг ота-она олдидаги муҳтожлиги кўпми?

Дўстнинг дўст олдидаги муҳтожлиги кўпми?

Умуман, инсоннинг инсонга муҳтожлиги, яқинлиги қай даражада?

Биз босиб ўтилган йўлларимизда, умргузаронлигимиз йилларида кимни топдик, кимни йўқотдик?

Биз байрам шодиёналари, базми жамшидлар орасида ҳушёр тортишимиз, шулар ҳақда ҳам ўйлашимиз ва буюк мутафаккир Гембо тили билан айтганда:

"Тонготарда биз алангаланаётган сабр-тоқат билан, меҳру муҳаббат билан қуролланиб барчага ёруғлик, адолат, қадр, қиммат берадиган янги кунлар, қадр кунларига кириб боришимиз керак"

Лекин қачон? Қачон ўша кунлар?

ЎГИТ

Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!
Ҳалима Худойбердиева

Қўрқма, кечалардан кечиб юборгин,
Оппоқ орзу билан тонгларга бур юз.
Яшамоқ истасанг озод ва эркин,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Султон бўл, амир бўл, ори баланд бек,
Жаҳолат ўйлини тоғлар каби тўс.
Ўткинчи ҳаваслар, ўйларга қўй чек,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Жонингни аяма, жоннисор бўлгин,
Бордир ичингни ҳам кўриб турган кўз.
Тўкилма ҳеч қачон, тўлдиргин, тўлгин,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Дегил, шаҳдим туркий, ғайратим туркий,
Шерлар ҳам пойимга чўкиб тургай тиз.
Ғолибдир қай дилнинг иймондир мулки,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Уйғонмоқ вақти бу, ғафлат – хиёнат,
Жону жаҳонларга айланган бир сўз.
Аёндир, қайғу ҳам, бахт омонат,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Ҳазрати боболар турибти қараб,
Тасбеҳдай ёдларин юрагингга тиз.
Улар сари борсанг кетмайсан нураб,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Бу даврон, бу замон тўхтамас сира,
Эрман деб айтдингми, ортда қолма, ўз.
Бургут нигоҳларинг тортмасин хира,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Кўнглин хароб этган қанча каслар бор,
Сен обод айлагин, сен ҳамиша туз.
Худо деганларга доим Худо ёр,
Ҳар лаҳзада уйғон, ҳар лаҳзада ўс!

Ғайрат МАЖИД

Марказ кўмакка келди

Реклама ҳуқуқида

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи якунлари бўйича 2018-2019 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги дастур ҳам қабул қилинган.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида мазкур дастур асосида инвестиция киритиш йўли билан қуриб битказилган ёки барпо қилиниши тугалланаётган корхоналар талайгина.

"Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонасининг Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ходимлари ва тегишли йўналишдаги мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи корхоналарга бориб, ўрганишларни амалга оширяпти, соҳага оид муаммолар аниқланган тақдирда уларнинг бартараф этилишига амалий кўмак беряпти. Биргина мисол. Марғилон шаҳрида туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда қурилган "Gold valley metall product" масъулияти чекланган жамияти шу йил 1 апрелдан иш бошлади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 4 200 тоннага тенг ушбу корхона фаолияти ишчи гуруҳ томонидан ўрганилганда, ишлаб чиқарилаётган турли ўлчамдаги замонавий шуруп ва саморезлар Россияга экспорт қилинишида ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими сертификати талаб қилинаётгани маълум бўлди. Маҳсулотларни экпорт қилишга кўмаклашиш бюроси вакили томонидан ҳужжатлаштириш ишларига кўмак берилди ва СМС идораси томонидан апрель ойида ISO 9001:2015 №UZ.SMT.04.045.09920-сонли сертификат расмийлаштирилди. Марказ директори А. Абдуллаев иштирокида корхона раҳбарига СМТ сертификати тақдим этилди. Мутахассислар корхона маъмурияти билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни

синовдан ўтказиш мақсадида замонавий ускуналар билан билан жиҳозланган, халқаро даражада аккредитланган синов лабораториясини ташкил этиш бўйича келишиб олишди. Шунингдек, корхона ишчи-хизматчиларига Президентимизнинг "Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 12 декабрдаги қарори бўйича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилди.

Шу тариқа МЭҚК бюроси томонидан экспортёр корхонага ёрдам берилди, ортиқча оворагарчиликка чек қўйилди, экспорт жараёнининг узлуксизлиги таъминланди. Пировардида Россия билан маҳсулот етказиб бериш бўйича 10 минг АҚШ долларига тенг шартнома тузилди.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган

"ELITE STROY ENDUSTRY"

масъулияти чекланган жамияти

бунёдкорлик билан шуғулланаётган сиз азиз юртдошларимизга Россия ва Хитой технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини таклиф этади:

- Темир-бетон маҳсулотлари;
- 3 хил турдаги пишиқ ғишт;
- Пойдевор блоки.

Манзил: Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Янгиқишлоқ ҚФЙ

Телефон: (93) 227 00 20; (91) 554 60 51

Маҳсулотлар сертификатланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Виктор ПАК, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Насимжон АЛИМОВ, Сирожиддин САЙИД, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 558 Тираж: 5422
Баҳоси келишилган нархда.
Топшириди – 00:40

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123 56

Навбатчи муҳаррирлар: Беҳзод ИСРОИЛОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.